

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

15-сон
(879)
2019 йил
15 апрель

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

279. «2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПФ–5707-сон Фармони
280. «Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 апрелдаги ПК–4273-сон қарори
281. «Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПК–4275-сон қарори
282. «Шиша тола, шиша толали буюмлар, композит материаллар, энергия тежамкор иситиш асбоб-ускуналари ва энергия тежашнинг замонавий тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид қўшимча чора-тад-

бирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ-4277-сон қарори

283. «Ўзбекистонда Шарда университетини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ-4278-сон қарори

Учинчи бўлим

284. «Чақирилувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 апрелдаги 291-сон қарори

Бешинчи бўлим

285. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 13 мартдаги 212-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2658-2*)
286. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 13 мартдаги 213-сон «Хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳарбий хизматчилар (ҳарбий хизматга мажбурлар) ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган ҳолда бир йўла тўланадиган нафакани тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2144-1*)
287. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/22-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1141-4*)
288. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/5-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 611-5*)
289. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/9-сон «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш

хақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1728-3*)

290. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 18 мартдаги 40-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳулосасини тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375-2*)
291. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 45, 2019-21-сон «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908-6*)
292. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 43, 2019-15-сон «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2759-2*)
293. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 12-2019-қ/қ, 5, 3-мб-сон «Ташкил этиладиган иш ўринларини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2473-1*)
294. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 13-2019-қ/қ, 2-мб-сон «Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2474-1*)

295. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 25 мартдаги 42, 2019-27, 341-В-3-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836-3*)
296. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 28 мартдаги 4-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомнинг 42-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-2*)
297. Ўзбекистон республикаси адлия вазирининг 2019 йил 8 апрелдаги 170-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1390-3*)
298. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 25 февралдаги 18-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (11-сонли БХС) «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3149*)
299. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 15 мартдаги 2019-19-сон «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1.3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 860-4*)
300. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 15 мартдаги 2019-23-сон «Қимматли қоғозлар бозорида манипуляцияни олдини олиш қоидаларининг 1.4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 820-4*)
301. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 15 мартдаги 2019-20-сон «Қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича ваколатли давлат органининг қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси билан ўзаро ҳаракатлари тартибининг 1.3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекис-*

тон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 848-4)

302. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 21 февралдаги 16, 2019-09-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши томонидан солиқ низоларини кўриб чиқиш регламентини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3150*)
303. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/12-сон «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2155-4*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2019 йил 6 апрелдан 12 апрелгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

279 2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Кейинги йилларда республикада аҳолини дори воситалари, тиббиёт буюмлари ва тиббий техника (кейинги ўринларда — фармацевтика маҳсулотлари) билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди, маҳаллий фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Шу билан бирга, ишлаб чиқариш қувватлари етарли даражада эмаслиги ҳамда маҳаллий фармацевтика маҳсулотларининг тор ассортименти ички бозор эҳтиёжларини қондирмаяпти ва импортга ҳаддан ташқари боғланиб қолишга сабаб бўлмоқда.

Маҳаллий корхоналарда халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларнинг сушт ташкиллаштирилиши ташқи бозорларда рақобатбардош фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқариш имкониятларини ва тармоқнинг экспорт салоҳиятини чекламоқда.

Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш, хорижий инвестицияларни ҳамда етакчи хорижий компанияларни инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш, инновацион фармацевтика маҳсулотларини яратишни рағбатлантириш, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариш ҳажмлари ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тузилмасига Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг «O'zmedimpeks» Давлат унитар корхонасини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигига (кейинги ўринларда — Агентлик) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва уларнинг улгуржи савдоси устидан назоратни амалга ошириш, шунингдек фармацевтика фаолиятини лицензиялаш бўйича функцияларини бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 апрелда эълон қилинган.

Белгилансинки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан фармацевтика фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун аввал берилган лицензиялар амал қилиш муддати тугагунга қадар амалда бўлади.

2. Агентликнинг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

фармацевтика тармоғини, жумладан уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг замонавий механизмларини жорий этиш йўли билан барқарор ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

фармацевтика бозори конъюнктурасини ўрганишни ташкиллаштириш, аҳоли ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг фармацевтика маҳсулотлари билан таъминланганлик ҳолатини тизимли таҳлил қилиш ва унинг асосида ички бозорни янада тўлдириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

тармоқ корхоналарига етакчи хорижий фармацевтика корхоналари билан ҳамкорликни йўлга қўйишда, фармацевтика маҳсулотларининг ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош, юқори сифатли янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда қўмаклашиш;

фармацевтика тармоғини, шу жумладан фармацевтика маҳсулотларини давлат рўйхатидан ўтказиш, стандартлаштириш, сертификатлаштириш, техник жиҳатдан тартибга солиш, шунингдек, фармацевтика фаолиятини лицензиялаш (дори воситалари ва тиббиёт буюмларини чакана сотиш бундан мустасно) йўли билан давлат томонидан бошқариш;

фармацевтика тармоғига илғор хорижий амалиёт ва халқаро стандартларни татбиқ этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

импорт қилинаётган ва республика ҳудудида ишлаб чиқарилаётган фармацевтика маҳсулотлари тўғрисида тўлиқ ахборот йиғишни таъминловчи Фармацевтика маҳсулотлари ҳаракатини назорат қилиш ва ҳисобга олиш ахборот тизимини жорий қилишда иштирок этиш.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

импорт қилишда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 211-моддаси 6-бандида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёз жорий этилмайдиган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари рўйхати Агентлик томонидан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланади. Бунда мазкур рўйхатга киритилган дори воситалари ва тиббиёт буюмлари номлари тайёр маҳсулотга ҳам, «in bulk» маҳсулот шаклида импорт қилинадиган дори воситалари ва тиббиёт буюмларига ҳам жорий этилади;

дори воситалари ва тиббиёт буюмларини саноатда ишлаб чиқариш ва дорихонада тайёрлаш учун мўлжалланган, импорт қилишда қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган хом ашёлар рўйхати Агентлик томонидан белгиланган тартибда шакллантирилади ва тасдиқланади, шунингдек, бир йилда камида икки марта янгилаб борилиши ва Агентлик ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилиши шарт;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси

дори воситалари ва тиббиёт буюмлари миллий ишлаб чиқарувчиларига тижорат банклари кредитлари бўйича кредит суммасининг 50 фоизигача, аммо 10 миллиард сўмдан ошмайдиган миқдордаги маблаққа кафиллик беради;

«in bulk» маҳсулоти асосида ишлаб чиқариладиган дори препаратлари ва (ёки) тиббиёт буюмларини давлат рўйхатидан ўтказиш муддатини узайтириш, шунингдек, уларни қайта давлат рўйхатидан ўтказиш мазкур аналогик миллий маҳсулотни ички бозор эҳтиёжини таъминлайдиган ҳажмда ишлаб чиқарувчи бўлмаган тақдирда амалга оширилади;

2019 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабрга қадар, синов тариқасида, дори препаратлари ва тиббиёт буюмларини давлат томонидан харид қилишни амалга оширишда икки ва ундан ортиқ иштирокчилар — аналогик маҳсулотни (халқаро патентланмаган номи бўйича) миллий ишлаб чиқарувчилари мавжуд бўлган тақдирда давлат буюртмачиси импорт дори препаратлари ва тиббиёт буюмларини етказиб бериш таклифи мавжуд барча буюртмаларни рад этади;

2019 йил 1 июлдан бошлаб импорт дори воситалари (дори субстанциялари бундан мустасно) ва тиббиёт буюмларини «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимига расмийлаштиришда божхона қийматининг 1,2 фоизи миқдорида божхона расмийлаштируви учун йиғим ундирилади.

4. Белгилансинки, 2022 йилнинг 1 январига қадар:

фармацевтика маҳсулотларининг клиник олди тадқиқотларини амалга оширувчи барча лабораториялар Зарур лаборатория амалиёти (GLP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг клиник тадқиқотлар ўтказувчи барча клиник базалари Зарур клиника амалиёти (GCP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим;

фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи барча маҳаллий корхоналар Зарур ишлаб чиқариш амалиёти (GMP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши лозим;

фармацевтика маҳсулотларини улгуржи сотиш билан шуғулланувчи барча маҳаллий корхоналар Зарур дистрибуторлик амалиёти (GDP) миллий талабларига мувофиқ мажбурий сертификатлаштирилиши зарур.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Агентлик манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2019 йил 1 июнга қадар фармацевтика тармоғи ва республика соғлиқни сақлаш тизимига зарур амалиётлар (GxP) талабларини жорий этиш тармоқ жадвалини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. 2019 — 2021 йилларда республиканинг фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Масъул вазирлик ва идораларнинг раҳбарларига «Йўл харитаси»да кўзда тутилган чора-тадбирларни ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга ошириш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

6. Қуйидагилар «Йўл харитаси»да кўзда тутилган объектларни қуриш

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ва реконструкция қилиш, илмий-тадқиқот ва синов лабораторияларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашнинг молиялаштириш манбалари этиб белгилансин:

2019 йилда — Агентликка Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ижро этувчи дирекцияси томонидан тақдим этилган буюртманомалар асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда ажратиладиган Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг 2019 йил 1 январь ҳолатига мавжуд валюта маблағлари қолдиғи;

2020 — 2023 йилларда — Ўзбекистон Республикаси Инвестиция дастурини тегишли йил учун амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар, лаборатория ва ишлаб чиқариш асбоб-ускуналарини харид қилиш учун эса Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармасининг ўзлаштирилмаган маблағлари, улар етишмаган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари.

7. Агентлик қошида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма) ташкил этилсин ва қуйидагилар уни шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

импорт дори воситалари (дори субстанциялари бундан мустасно) ва тиббиёт буюмларини «эркин муомалага чиқариш (импорт)» божхона режимида расмийлаштиришда божхона расмийлаштируви учун йиғимнинг 1,0 фоизи;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳисобидан ажратиладиган эквиваленти 25 млн АҚШ долларидаги миллий валютадаги маблағлар;

халқаро молиявий институтлар ҳамда бошқа хорижий донорлар, шунингдек, қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

8. Белгилансинки, Жамғарма маблағлари қуйидаги мақсадларга ишлатилади:

фармацевтика маҳсулотларининг янги турларини яратиш бўйича илмий ишланмаларни ташкиллаштириш учун Агентлик қошидаги илмий-тадқиқот институтлари ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга грантлар тақдим этиш;

Агентлик қошидаги илмий-тадқиқот институтлари ва фармацевтика маҳсулотларининг сифат назоратини амалга оширувчи давлат лабораторияларини зарур асбоб-ускуна ва техника билан жиҳозлаш;

республикада ишлаб чиқарилмайдиган фармацевтика маҳсулотлари янги турларининг клиник олди ва клиник тадқиқотларини маҳаллий муассасаларда ўтказиш учун маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг сарф-харажатларини энг кам ойлик иш ҳақининг 100 баравари миқдорида қоплаш;

маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарининг фармацевтика маҳсулотларини хорижий давлатларда рўйхатдан ўтказиш харажатларининг 50 фоизини, улар рўйхатдан ўтказилганлигини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилгандан сўнг қоплаш;

маҳаллий фармацевтика маҳсулотларини илгари суриш бўйича, шу

жумладан хорижда ўтказиладиган кўргазма ва ярмаркалар ташкил қилиш, семинарлар ўтказиш, тақдимот материаллари, кўргазма стендларини тайёрлаш, Агентлик ва унга идоровий мансуб ташкилотлар мутахассисларининг мазкур тадбирларда иштирок этиши;

Агентликнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, унинг ишчилари ва жалб этиладиган мутахассисларни моддий рағбатлантириш, шунингдек, Агентлик ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

маҳаллий ишлаб чиқарувчилар томонидан мамлакатимизда аввал ишлаб чиқарилмаган дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган эквиваленти 1 млн АҚШ долларида ошмаган кредитларнинг фоизлар бўйича харажатларини икки йил мобайнида қоплаш;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган Агентлик фаолияти билан боғлиқ бошқа чора-тадбирлар.

Белгилансинки, Жамғарманинг харажатлар сметаси Агентлик томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда тасдиқланади.

9. Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 январдаги «Озиқ-овқат, чарм-пойабзал ва фармацевтика саноатида инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш манбаларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–2718-сон қарорига мувофиқ очилган кредит линияси маблағлари ҳисобидан тегишинча Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ва Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармасига 25 млн АҚШ долларида ажратсин.

10. Фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилари, ихтисослашган илмий-тадқиқот институтлари ва олий таълим муассасалари томонидан ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган ҳамда фармацевтика маҳсулотларининг улгуржи ва чакана савдоси билан шуғулланувчи корхоналар томонидан аптека ичида дори тайёрлаш мақсадида олиб кириладиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган технологик ва лаборатория ускуналари, уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари, фармацевтика ишлаб чиқариш бинолари учун «тоза хоналар», сэндович-панеллар ва вентиляция тизимлари, шунингдек, лаборатория ҳайвонларини боқиш, клиник-олди тадқиқотлар ва дори воситалари ишлаб чиқариш (шу жумладан, аптека ичида тайёрлаш) учун ишлатиладиган хом ашё ва материаллар, тиббиёт буюмлари ва қадоклаш материаллари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

11. 2019–2021 йилларда республика ҳудудида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тавсия этилган дори воситалари гуруҳлари рўйхати (кейинги ўринларда — Рўйхат) 2-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳамда Агентлик 2019 йил 1 августга қадар:

Рўйхатга киритилган импорт қилинадиган дори воситалари гуруҳларини маҳаллийлаштириш бўйича инвестиция лойиҳаларининг рўйхатини уларни амалга оширишнинг аниқ муддатлари, молиялаштириш манбалари ва ташаббускорларини белгилаган ҳолда шакллантирсин;

Рўйхатга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни, шу жумладан Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси иштирокида жалб қилиш ва зарур бўлганда, фармацевтика эркин иқтисодий зоналарда жойлаштириш чораларини кўрсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари Э.М. Ғаниев ва А.А. Абдуҳақимов манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

республикада талаб юқори бўлган фармацевтика маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун барқарор обрўга эга етакчи фармацевтика компанияларини;

фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларини узоқ муддатли молиявий ресурслар билан таъминлаш мақсадида халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг узоқ муддатли имтиёзли кредит линияларини жалб қилиш бўйича таклифлар киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2019 йил 1 июнга қадар:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлиги ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомлар, шунингдек, Агентлик ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ташкилий-штат тузилмаси ушбу Фармон билан белгиланган вазифаларни иноватга олган ҳолда қайта кўриб чиқишини таъминласин;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг Фармацевтика тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамғармаси тўғрисидаги низомни тасдиқласин;

фармацевтика тармоғини ривожлантиришнинг аниқ кўрсаткичлари ва мақсадли индикаторларига эришишга асосланган бутунлай янгича баҳолаш тизимини жорий этишни кўзда тутган ҳолда Агентлик фаолиятининг самардорлигини баҳолаш мезонлари тасдиқлансин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги асосланган ҳисоб-китобларга кўра Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида 2019 йилда мазкур Фармонни амалга ошириш доирасида Агентлик харажатлари учун маблағлар ажратсин ҳамда 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини кўзда тутсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги Агентликнинг маъмурий биносини таъмирлаш даврида Агентликни давлат тасарруфидаги бўш турган объектларга вақтинчалик жойлаштиришга қўмаклашсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги:

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Агентлик билан биргаликда уч ой муддатда республикада фармацевтика тармоғи мутахассисларини тайёрлаш бўйича етакчи хорижий олий ўқув юрти филиалини ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Агентлик ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Агентликнинг расмий сайтларида 2017-2018 йилларда ва кейинги йилларда фармацевтика маҳсулотларининг давлат харидлари тўғрисидаги маълумотни органлар, ташкилотлар, маҳсулотларнинг номланиши ва натурада ифодаланган ҳажмлари кесимида жойлаштирилишини таъминласин;

икки ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг барча клиник базаларида клиник тадқиқотлар ўтказиш жараёнларини ташкил этишнинг шаффоф механизмини, шунингдек, кўрсатиладиган хизматлар нархини белгилаш ва клиник тадқиқотлар ўтказишнинг ҳар бир босқичида томонларнинг жавобгарлик доирасини назарда тутувчи тартибни тасдиқласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Соғлиқни сақлаш вазирлиги Агентлик ва бошқа идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифларни киритсин.

19. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А.А. Абдуҳақимов, Э.М. Ғаниев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари Г.К. Саидова зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 апрель,
ПФ-5707-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги
ПФ–5707-сон Фармонига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 ноябрдаги «Фармацевтика тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5229-сон Фармонида:

а) 3-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин;

б) 10-банднинг «б» кичик банди иккинчи хатбошидаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Фармацевтика тармоғини ривожлантириш агентлигининг» сўзлари «Соғлиқни сақлаш вазирлигининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 15-банднинг иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июлдаги «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5490-сон Фармони билан тасдиқланган Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимида рўйхатдан ўтказиш орқали ваколатли органни ҳабардор этиш тартибида ўтказиладиган текширувлар рўйхатининг рус тилидаги матни 2-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

« 2.	Надзор за производством, изготовлением и оптовой реализацией лекарственных средств и изделий медицинского назначения, с целью недопущения реализации фальсифицированной, несертифицированной и незарегистрированной продукции только при наличии достоверных сведений о производстве и реализации такой продукции.	Агентство по развитию фармацевтической отрасли при Министерстве здравоохранения Республики Узбекистан	1 день
------	--	---	--------

».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 декабрдаги «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5600-сон Фармони 1-банди учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«эркин иқтисодий зоналар ҳудудида инвестиция лойиҳаларини жойлаштиришнинг шарти сифатида фаолият бошланганидан кейин иккинчи молиявий йили яқунларига кўра (дори воситалари ва тиббиёт буюмларини ишлаб чиқарувчилар учун — биринчи дори воситасини ёки тиббиёт буюмини давлат рўйхатидан ўтказган вақтдан бошлаб) икки йил давомида йиллик ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 25 фоизидан кам бўлмаган, учинчи ва кейинги йилларда 50 фоиздан кам бўлмаган миқдорда экспорт қилиш белгиланади. Мазкур шартлар бажарилмаган тақдирда, тадбиркорлик субъектининг эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақоми ҳамда аввал тақдим этилган имтиёзлар бекор қилинади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 январдаги «Дори воситалари ва тиббиёт буюмлари ишлаб чиқариш ҳамда олиб киришни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3489-сон қарори 6-банди иккинчи хатбоши «цикл бўйича» сўзларидан кейин «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган рўйхатга мувофиқ» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

280 Давлат бошқарувининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда мамлакатнинг статистика салоҳиятини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Мамлакатда статистика ахборотидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, давлат статистика ҳисоботини ишончли равишда юритишни шакллантириш юзасидан изчиллик билан чоралар кўрилмоқда. Интернетдаги йиғма маълумотларнинг миллий саҳифаси Халқаро валюта жамғармаси маълумотларини тарқатишнинг кенгайтирилган умумий тизими билан уйғунлаштирилди.

Шу билан бирга, ахборотларнинг умумфойдаланиш учун очиқлик ҳолати, очиқ маълумотларнинг ошкоралик ва сифат даражаси, уларни фуқароларга ва жаҳон ҳамжамиятига етказишнинг амалдаги механизмлари қабул қилинган халқаро талабларга тўлиқ жавоб бермайди ва натижада мамлакатимизнинг статистика салоҳияти индексидаги ўрни пастлигича қолмоқда.

Мамлакатимиз нуфузи ва инвестициявий жозибадорлигини мустаҳкамлашга қаратилган, давлат бошқарувининг очиқлиги ҳамда шаффофлигини таъминлаш борасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид Давлат дастуридаги вазифаларни бажаришни таъминлаш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикасининг Ҳукумат портали доирасида жисмоний ва юридик шахсларнинг машинада ўқиладиган форматдаги ахборотдан кўп қарра, эркин ва бепул фойдаланиш имконини берувчи Ўзбекистон Республикасининг Очиқ маълумотлар портали (кейинги ўринларда — Портал) фаолият юритмоқда.

2. Белгилансинки:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинги ўрин-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 апрелда эълон қилинган.

ларда — Давлат статистика қўмитаси) давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар тўпламлари рўйхатини (кейинги ўринларда — Рўйхат) шакллантириш, юритиш ва янгилаш ҳамда тегишли ахборотларнинг Порталда ўз вақтида акс эттирилиши бўйича фаолиятини мувофиқлаштиради;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик) Портални техник қўллаб-қувватлаш ва таъминлаш ҳамда узлуксиз ишлаб туриши учун жавобгар ҳисобланади;

в) Порталдаги ахборотлар:

фақат давлат органлари ва ташкилотларининг республика даражасидаги юқори турувчи тузилмалари, шу жумладан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан эълон қилинади;

ўзбек, рус ва инглиз тилларида, шу жумладан машинада ўқиладиган ва бошқа форматларда эълон қилинади;

давлат органлари ва ташкилотларининг расмий сайтларида эълон қилинадиган ахборот билан айнан бир хил ва ўзаро боғланган бўлиши лозим;

г) давлат органлари ва ташкилотларида ахборотни тайёрлаш ва Порталда жойлаштириш вазифаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси-ни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ҳаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги ПФ-5635-сон Фармонида мувофиқ ташкил қилинган, халқаро рейтинглар билан ишлаш ва «Электрон ҳукумат» тизимини жорий этиш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган бўлинмалар зиммасига юкланади.

3. Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати тузилмасида бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида давлат органлари ва ташкилотларининг Порталда Рўйхатни шакллантириш, юритиш ва янгилаш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш билан боғлиқ ишлар учун масъул бўлинма ташкил этилсин.

Давлат статистика қўмитаси бир ой муддатда бўлинманинг юқори ма-лакали кадрлар билан тўлдирилишини таъминласин.

4. Давлат статистика қўмитасига Портални ривожлантириш фаолияти-ни амалга ошириш доирасида қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

маълумотлар ва уларнинг манбаларидан, шу жумладан маълумотларни шакллантириш соҳасида ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ички ва бошқа ҳужжатлар ҳамда улардан фойдаланиш;

Портални ривожлантириш, шунингдек, эълон қилинадиган маълумотларга тааллуқли масалалар бўйича давлат органлари ва ташкилотларидан беғараз асосда маслаҳат ёрдами олиш;

ушбу қарорни бажариш доирасида экспертлар, консультантлар ва ташкилотларни (шу жумладан, хорижий) шартнома асосида жалб этиш;

Портални такомиллаштириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун халқ-

аро молия институтлари, донор мамлакатларнинг маблағларини, шу жумладан грантлари (техник қўмаги)ни жалб этиш.

5. Белгилансинки, 2019 йил 1 апрелдан:

Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ходимларининг лавозим маошларини Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядларига асосан белгилашда тариф коэффициенти 1,3 бараварга оширган ҳолда қўлланилади;

давлат статистика органлари ходимларига қўп йиллик хизматлари учун ҳар ойлик устамалар қуйидаги миқдорларда тўланади (рағбатлантириш коэффициенти ҳисобга олган ҳолда лавозим маошларига нисбатан коэффициентларда): 2 йилдан 5 йилгача — 0,1; 5 йилдан 10 йилгача — 0,2; 10 йилдан 15 йилгача — 0,3; 15 йилдан 20 йилгача — 0,4; 20 йилдан 25 йилгача — 0,5; 25 йилдан ортиқ — 0,6. Қўп йиллик хизматлари учун мукофот пули олиш ҳуқуқини берадиган иш стажы Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Давлат статистика қўмитаси томонидан тасдиқланадиган тартибга мувофиқ ҳисобланади.

Ушбу бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланади.

6. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплекси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Очик маълумотлар порталида жойлаштириш учун очик маълумотлар тўпламлари рўйхатини тузишда устувор халқаро маълумотлар базаларини ўрганиб чиқиш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

«Очик маълумотлар глобал индекси» ва «Очик маълумотлар барометри» талабларига мувофиқ маълумотларнинг очиклик ҳолатини ўрганиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Очик маълумотлар порталида тегишли индикаторларни жойлаштириш учун масъул вазирлик ва идоралар рўйхати 3-иловага* мувофиқ;

Алоҳида таркибий индикаторлар бўйича Статистика салоҳияти индексида мамлакатнинг ўрнини яхшилашга оид «Йўл харитаси» 4-иловага* мувофиқ;

Жаҳон банкининг статистика салоҳияти индекси бўйича йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикаси рейтингини яхшилашнинг мақсадли кўрсаткичлари 5-иловага* мувофиқ;

Халқаро бюджет ҳамжамиятининг Бюджет очиклиги индексида 2020 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг иштирокини таъминлаш бўйича «Йўл харитаси» 6-иловага* мувофиқ;

2020-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасида янгиланиши лозим бўлган ахборот-коммуникация тизимлари ускуналари рўйхати 7-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

* 1 — 7-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

7. Қуйидагиларнинг:

а) давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг:

Порталда эълон қилинадиган ахборотнинг тўлиқлиги, ишончлилиги, унинг ўз вақтида шакллантирилиши ва янгилаб турилиши;

Порталда жойлаштириладиган ахборотнинг мазмуни ва сифати;

Интернет тармоғида Ўзбекистон Республикаси ахборотларининг ошқоралиги ва фойдаланиш эркинлигини таъминлаш;

тегишли ахборотни шакллантиришда халқаро методологик стандартларни, тавсияларни ўрганиш ҳамда уларни амалда қўллаш юзасидан;

б) Агентликнинг Порталдан Ўзбекистон Республикаси тўғрисида зарур ахборотни олишда ички ва ташқи фойдаланувчилар учун қулайликлар яратиш юзасидан;

в) Давлат статистика қўмитасининг халқаро тажрибани ва фойдаланувчиларнинг фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда Порталда эълон қилинадиган Рўйхатнинг мунтазам янгиланиб турилишини таъминлаш юзасидан шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

8. Агентлик 2019 йил 1 августга қадар Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда маълумотлар тўплами ва улар эгаларининг ягона реестрини шакллантирган ҳолда барча турдаги ҳисоботлар ҳамда маълумотлар базалари интеграциялаштирилишини назарда тутувчи маълумотларни бошқариш давлат тизимини яратиш бўйича «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

9. Ушбу қарорнинг 2-иловасида кўрсатилган вазирлик ва идоралар Агентлик ҳамда Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда:

2019 йил 10 майга қадар иқтисодиёт тармоқларидаги жорий ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришларнинг миқдор, сифат ва мазмунга оид параметрларини тавсифловчи халқаро кўрсаткичларни ушбу индикаторлар мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш нуктаи назаридан ўрганиб чиқсин;

2019 йил 20 майга қадар иқтисодиёт тармоқларидаги ижтимоий ва иқтисодий вазиятнинг халқаро кўрсаткичларини ўрганиш асосида Порталда жойлаштириладиган Рўйхатни зарур ахборот (индикаторлар) билан, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларида фойдаланиладиган маълумотлар базалари тизимлари бўйича ахборот билан тўлдирсин;

2019 йил 1 июнга қадар мавжуд бўлмаган индикаторларни шакллантириш методикасини ўргансин ҳамда кейинчалик Порталда жойлаштириш учун уларни ишлаб чиқиш бўйича зарур чораларни кўрсин.

10. Ушбу қарорнинг 3-иловасида кўрсатилган масъул ижрочилар Агентлик ва Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда 2019 йил 20 майга қадар «Очиқ маълумотлар глобал индекси» ва «Очиқ маълумотлар барометри» методикасининг асосий йўналишларига мувофиқ маълумотлар очиклиги ҳолатини ўрганиб чиқсин ва таҳлил қилсин ҳамда мавжуд маълумотларни Порталда эълон қилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳоким-

ликлари билан биргаликда 2019 йил 1 июлга қадар ягона методологик ёндашувни ишлаб чиқиш ва кейинчалик Порталда жойлаштириш учун улардан фойдаланишни инобатга олган ҳолда ҳудуднинг инвестициявий салоҳиятини тўла-тўқис очиб берувчи ахборот ва материаллар рўйхатини Давлат статистика қўмитаси ва Агентликка киритсин;

Портални такомиллаштириш, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш учун халқаро молия институтлари, донор мамлакатларнинг маблағларини, шу жумладан грантлари (техник қўмаги)ни жалб этишда Давлат статистика қўмитасига қўмаклашсин.

12. Давлат статистика қўмитаси ва Агентлик:

а) 2019 йил 1 июнга қадар:

Порталда жойлаштиришнинг аниқ муддатлари ва шакллари белгиланган ҳолда Рўйхатни тасдиқласин;

халқаро маълумотлар базаларини қўшимча равишда ўрганиб чиқсин ва ахборотнинг янги параметрларини ишлаб чиқиш чораларини кўриб, кейинчалик уларни Рўйхатга киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилдан бошлаб «Очиқ маълумотлар глобал индекси» ва «Очиқ маълумотлар барометри» халқаро рейтингларида иштирокини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режасини тасдиқласин;

б) уч ой муддатда Очиқ маълумотлар пухталиги модели («Open Data Maturity Model») ҳамда бошқа халқаро амалиётлар асосида давлат органлари ва ташкилотларининг очиқ маълумотлар соҳасидаги фаолиятини баҳолаш механизмини ишлаб чиқсин ва жорий этсин ҳамда натижаларни ҳар чорақда Порталда эълон қилиб борсин;

в) давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан очиқ маълумотларнинг жойлаштирилиши ва мунтазам янгилаб турилиши устидан доимий мониторинг қилинишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Давлат статистика қўмитасининг 2019 йилда ушбу қарорни амалга ошириш доирасидаги сарф-харажатлари учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида маблағлар ажратсин ва 2020 йилдан бошлаб ҳар йили зарур бюджет маблағларини назарда тутсин;

ҳар йили тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурининг қийматини ҳисоблашда энг кам иш ҳақи миқдорлари янада оширилганини инобатга олсин;

7-иловага мувофиқ, Давлат статистика қўмитасида янгиланиши лозим бўлган ахборот-коммуникация тизимлари ускуналарини харид қилиш учун 2020-2021 йилларда Давлат бюджетидан Давлат статистика қўмитасига зарур маблағлар ажратилишини таъминласин.

14. Давлат статистика қўмитаси томонидан давлат статистика органларининг ахборот-коммуникация инфратузилмасини модернизация қилиш учун белгиланган тартибда тузиладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган,

Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган компьютер техникаси, сервер ва коммуникация ускуналари, дастурий таъминот воситалари ҳамда уларнинг эҳтиёт қисмлари ва бутловчи буюмлари 2022 йил 1 январга қадар божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимларидан ташқари) озод қилинсин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

икки ой муддатда ўз биноларига эга бўлмаган ҳудудий статистика органларини жойлаштириш чораларини кўрсин;

ҳудудий статистика органларининг давлат тасарруфидаги бинолар ва хоналардан фойдаланганлиги учун ижара ҳақи қийматини «ноль» ставкада белгиласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Агентлик ҳамда Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг:

2020-2021 йилларда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер текширувларини ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистик тадқиқотлар маркази негизида белгиланган штат бирликлари сони доирасида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтини (кейинги ўринларда — Институт) ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

17. Қуйидагилар Институт фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб белгилансин:

давлат статистика органлари ҳамда бошқа вазирлик ва идоралар ходимларининг билим ва кўникмаларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни, шунингдек, касб маҳорати юксак даражада бўлишини таъминлайдиган тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини ташкил этиш;

статистика борасидаги кўникмаларни ривожлантириш, таҳлилий фикрлаш қобилиятини шакллантириш ва уларни амалиётда қўллашга йўналтирилган, асосан ихтисослик фанларидан иборат бўлган замонавий таълим стандартлари ва сифат жиҳатидан янги ўқитиш тизимини жорий этиш;

статистика соҳасидаги илғор тажриба ва илмий-тадқиқот ютуқларини айирбошлаш, шунингдек, мутахассислар тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва стажировка ўташи бўйича маҳаллий ва хорижий илмий ҳамда таълим муассасалари, халқаро статистика ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

миллий даражада қўлланилаётган методологик воситалар, давлат ва идоравий статистик кузатувларни халқаро даражада уйғунлаштириш, мослаштириш ва қиёслаш нуқтаи назаридан уларни малакали экспертизадан ўтказиш;

кейинчалик амалиётда қўллаш учун илғор статистика методлари ва технологиялари, шунингдек, очиқ маълумотлар соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш ҳамда инновацион ишланмаларни амалга ошириш.

18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) Давлат статистика қўмитаси билан биргаликда:

2019 йил 1 июлга қадар Порталда тегишли ахборотни эълон қилиш ва янгилаш тартибини бузганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланишини, шунингдек, нотўғри давлат статистика ҳисоботларини тақдим қилганлиги учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳасини;

2019 йил 1 декабрга қадар илғор хорижий тажрибани инобатга олган ҳолда «Расмий статистика тўғрисида»ги қонун лойиҳасини;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорликда 2019 йил 1 октябрга қадар «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида», «Ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги ҳамда «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг, шунингдек, ахборотни тарқатишга тааллуқли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг меъёрлари унификациялаштирилишини назарда тутувчи ахборотни тарқатиш соҳасидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

19. Давлат статистика қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда:

а) қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти фаолиятини ташкил этиш;

2020-2021 йилларда ЮНИСЕФ билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасида мультииндикатор кластер текширувини ўтказиш тўғрисидаги ҳукумат қарори лойиҳасини;

б) қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — молия вазири Ж.А. Қўчқоров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 апрель,
ПҚ-4273-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**281 Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида тўғридан-
тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилган ҳолда
модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида***

«Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи» МЧЖ (кейинги ўринларда — ФНҚИЗ) модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланиш, илғор технологияларни жорий этиш ҳисобига нефть-газ тармоғининг барқарор ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда — Агентлик), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва «Ўзбекнефтьгаз» АЖнинг ФНҚИЗ устав капиталидаги «Ўзнефтьмахсулот» АЖнинг 100 фоиз улушини «Ўзнефтьмахсулот» АЖ ва «Ўзбекнефтьгаз» АЖ устав капиталидаги давлат улушини тегишли равишда ушбу бериладиган улушнинг баланс қиймати суммасига камайтириш ҳисобига Агентликка бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар:

Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва «Ўзбекнефтьгаз» АЖ томонидан «PT Trans Asia Resources» (Индонезия) хорижий компанияси билан (кейинги ўринларда — инвестор) Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида модернизация қилиш ва тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш бўйича инвестиция лойиҳасини (кейинги ўринларда — лойиҳа) тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали амалга ошириш тўғрисида келишувга эришилгани;

инвестор ФНҚИЗга эгалик қилиш, уни модернизация қилиш ва унинг ишлаб чиқариш қувватлари тўлиқ ишлашини таъминлаган ҳолда кейинчалик фойдаланиш учун етакчи халқаро компаниялардан иборат бўлган консорциум ташкил этишни режалаштиргани маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агентлик, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда ФНҚИЗ устав капиталидаги давлат улушини инвесторга сотиш бўйича асосий шартларни (кейинги ўринларда — асосий шартлар), инвесторнинг лойиҳани амалга ошириш, шу жумладан ташқи молиялаштиришни жалб этиш бўйича мажбуриятлари ва масъулиятини белгилашни кўзда тутган ҳолда тасдиқласин.

Агентлик ФНҚИЗ устав капиталидаги 100 фоиз улушни сотиш бўйича келишувнинг дастлабки сотиб олиш тўлови 16 000 000 (ўн олти миллион) АҚШ доллари миқдорида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Ва-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 апрелда эълон қилинган.

зирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган асосий шартларга мувофиқ инвестор билан тузилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

инвестор ФНҚИЗга эгалик қилиш ҳуқуқини олгандан сўнг ўн тўрт ой давомида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобварақларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари ФНҚИЗни инвесторга сотишгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари олдида ФНҚИЗ қарздорлиги мавжудлиги муносабати билан унинг банк ҳисобварақларига қўйиладиган талабларни қаноатлантириш учун ФНҚИЗ банк ҳисобварақларига жорий этилмайди;

ФНҚИЗга қўлланиладиган имтиёзлар, енгилликлар ва субсидиялар, ушбу қарор қабул қилинган санага қадар ФНҚИЗга тақдим этилган барча лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ўз таъсир кучини сақлаб қолади.

5. 2021 йил 1 апрелга қадар ФНҚИЗ томонидан ўз эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича четдан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуна, техника, машина ва механизмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, асбоблар, технологик жиҳозлар, приборлар, дастурий таъминот, техник ҳужжатлар ва сарф материаллари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиғи ва божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ФНҚИЗ ва инвестор буюртманомаларига кўра пудратчи ва субпудратчи ташкилотларга лойиҳани амалга ошириш доирасида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланишга белгиланган тартибда рухсат берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ФНҚИЗ ва инвестор буюртманомаларига кўра лойиҳани амалга оширишга жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кириш визаларини белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ФНҚИЗ буюртманомаларига кўра лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кириш визалари берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинчалик прописка қилиниши ҳамда муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ФНҚИЗ буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда иштирок этиш учун хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этишга рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, ушбу хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 апрель,
ПҚ-4275-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

282 Шиша тола, шиша толали буюмлар, композит материаллар, энергия тежамкор иситиш асбоб-ускуналари ва энергия тежашнинг замонавий тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 1 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4145-сон қарорига мувофиқ, шунингдек, шиша тола, шиша толали буюмлар, композит материаллар, энергия тежамкор иситиш асбоб-ускуналари ва энергия тежашнинг замонавий тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этишга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва замонавий нанотехнологияларни кенг жалб этиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Шиша тола, электр тежамкор иситиш асбоб-ускуналар ва энергиянинг замонавий тежамкор тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3417-сон қарорига мувофиқ «Deutsche Kabel AG Taschkent» АЖ ҚК томонидан шиша тола, энергия тежамкор иситиш асбоб-ускуналари ва энергия тежашнинг замонавий тизимларини ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа амалга оширила бошланди;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, «Ўзсаноат-қурилишматериаллари» уюшмаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Туронбанк» АТБ ва «Deutsche Kabel AG Taschkent» АЖ ҚК томонидан шиша тола, шиша

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 апрелда эълон қилинган.

толали буюмлар, композит материаллар, энергия тежамкор иситиш асбоб-ускуналари ва энергия тежашнинг замонавий тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича 21,4 миллион евро миқдоридagi лойиҳаларни (кейинги ўринларда — лойиҳалар) 1-иловага* мувофиқ тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобидан амалга ошириш таклиф этилди;

лойиҳаларни самарали амалга ошириш мақсадида «Deutsche Kabel AG Taschkent» АЖ ҚҚ томонидан «Falk Porsche Fiberglass» МЧЖ ташкил этилди;

«Deutsche Kabel AG Taschkent» АЖ ҚҚ акциядорлари томонидан Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 12 февралдаги 4-1001-1806/20410-сон қарори асосида олинган 60 434 миллион сўмлик мулкни, шунингдек, 2-иловага* мувофиқ мулкларни «Falk Porsche Fiberglass» МЧЖга мулк қилиб бериш тўғрисида қарор қабул қилинди.

2. Белгилансинки, 1-банднинг бешинчи хатбошида назарда тутилган мулкни топшириш ва қабул қилиб олиш қўшилган қиймат солиғи ҳамда юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича солиққа тортиш объекти ҳисобланмайди.

3. «Falk Porsche Fiberglass» МЧЖга нисбатан:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594-сон Фармонида назарда тутилган имтиёзлар жамият жойлашган манзилдан қатъи назар;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Шиша тола, электр тежамкор иситиш асбоб-ускуналар ва энергиянинг замонавий тежамкор тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3417-сон қарори 5-бандининг учинчи хатбоши билан белгиланган имтиёзлар 2024 йил 31 декабрга қадар татбиқ этилсин.

4. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Олмазор кичик саноат зонаси» АЖ икки ой муддатда умумий майдони 3 620 квадрат метр (0022 ва 0027 литерлар) бўлган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Олмазор кўчаси, 51-уй манзилида жойлашган бинолар ва иншоотлар баҳоланиши ҳамда «Falk Porsche Fiberglass» МЧЖга сотилишини таъминласин.

«Олмазор кичик саноат зонаси» АЖ 0022 литерда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектига барқарор ишлаб чиқариш циклини таъминлаш мақсадида ўз ишлаб чиқариш қувватлари ва ускуналарини жойлаштириш учун муҳандислик коммуникациялари ҳолати бўйича мавжуд бинодан қолишмайдиган, 1 008 метр квадрат майдонга эга бўш бино берилишини таъминласин.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги Қимматбаҳо металллар агентлиги 3-иловага* мувофиқ сақланаётган, таркибида қимматбаҳо металллар бўлган технологик узеллар ва ускуналарни «Falk Porsche Fiberglass» МЧЖга топширсин.

6. «Falk Porsche Fiberglass» МЧЖга ишлаб чиқариш зарурати тақозо этганда ишлаб чиқариш узлуксизлигини таъминлаш мақсадида таркибида

* 1 — 3-илвалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

қимматбаҳо металллар бўлган технологик узеллар ва ускуналарни улардан қайтариб бериш шарти асосида фойдаланишга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқишга рухсат берилсин.

7. Тошкент шаҳар ҳокимлиги маҳаллий бюджет маблағлари, шунингдек, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ ўз маблағлари ҳисобига тегишлилигига қараб мавжуд муҳандислик коммуникацияларининг узлуксиз ишлашини инobatга олган ҳолда, уларнинг «Falk Porsche Fiberglass» МЧЖ ҳудуди ажратилган чегарагача лойиҳа-смета ҳужжатларига мувофиқ уланишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқ топширилаётган объектларнинг «Falk Porsche Fiberglass» МЧЖга расмийлаштирилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги билан биргаликда лойиҳаларнинг амалга оширилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига ҳар чоракда ахборот киритиб борсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги лойиҳа-қидирув ва қурилиш-монтаж ишларини бажаришда композит материаллардан, энергия тежамкор иситиш асбоб-ускуналари ва энергия тежашнинг бошқа замонавий тизимларидан фойдаланиш бўйича талабларни норматив ҳужжатларга киритиш чораларини кўрсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги «Шиша тола, электр тежамкор иситиш асбоб-ускуналар ва энергиянинг замонавий тежамкор тизимларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3417-сон қарорига 4-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 апрель,
ПҚ-4277-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2019 йил 10 апрелдаги
ПҚ-4277-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил
30 ноябрдаги «Шиша тола, электр тежамкор иситиш асбоб-
ускуналар ва энергиянинг замонавий тежамкор тизимларини
ишлаб чиқаришни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги
ПҚ-3417-сон қарорига киритиладиган ўзгартиришлар**

1. 1-банднинг олтинчи хатбошидаги «1-иловага мувофиқ рўйхат бўйича» сўзлари чиқариб ташлансин.
2. 2-бандда:
учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;
тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб ҳисоблансин.
3. 6-банд ва 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

**283 Ўзбекистонда Шарда университетини ташкил этиш
тўғрисида***

Умумэтироф этилган халқаро талаблар ва стандартларга мувофиқ олий маълумотли юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил этиш, инновацион муҳитни шакллантириш, хорижий мамлакатларнинг етакчи олий таълим муассасалари билан узоқ муддатли муносабатларни янада ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ҳиндистон Республикасига 2018 йил 30 сентябрь — 1 октябрдаги давлат ташрифи чоғида имзоланган икки томонлама ҳужжатларни амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини бажариш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Андижон вилояти ҳокимлиги ва «Sharda Educational Trust» (Ҳиндистон Республикаси) таълим трастининг (кейинги ўринларда — Муассис) Ўзбекистонда Шарда университетини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилансинки:

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 11 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистондаги Шарда университети (кейинги ўринларда — Университет) олий таълим муассасаси — юридик шахс шаклидаги Ўзбекистон Республикаси резиденти ҳисобланади, алоҳида мол-мулкка, мустақил балансга эга, тасарруфидаги мол-мулк билан ўз мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланади;

Университетда ўқитиш Ўзбекистон Республикасининг давлат таълим стандартлари талабларини инобатга олган ҳолда Шарда университети (Ҳиндистон Республикаси) таълим дастурлари асосида ишлаб чиқилган ўқув режалари ва дастурлари бўйича амалга оширилади;

Университетда таълим фаолияти 2019/2020 ўқув йилидан бошланади; абитуриентлар қабули ва Университет битирувчиларини аттестациядан ўтказиш Муассис томонидан белгиланадиган талаблар, тартиб ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади;

Университет битирувчиларига Ўзбекистон Республикасида ва Ҳиндистон Республикасида олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат сифатида тан олинadиган белгиланган намунадаги диплом берилади.

3. Университет фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

электр муҳандислиги, ахборот технологиялари ва киберхавфсизлик, компьютер тизимларига хизмат кўрсатиш, электроника, коммуникация инжиниринги, бизнес-менежмент ва талаб юқори бўлган таълимнинг бошқа йўналишларида юқори малакали мутахассисларни халқаро стандартлар даражасида тайёрлашни таъминлаш;

таълим жараёнига замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини, илм-фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш;

юқори малакали мутахассисларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, шу жумладан уларнинг малакавий амалиётини етакчи хорижий олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиш;

меҳнат бозорининг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда ахборот-коммуникация технологиялари, муҳандислик-техника, тиббиёт ва аниқ фанлар соҳаларида илмий-тадқиқот фаолиятини амалга ошириш, шунингдек, олий малакали илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш;

таълим ва илмий-техникавий соҳаларда етакчи хорижий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан узоқ муддатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.

4. Маълумот учун қабул қилинсинки, Муассис:

ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан Андижон вилояти ҳудудида Университетнинг кўп мақсадли кампусини қуради ва жиҳозлайди;

Университетнинг кўп мақсадли кампусини ривожлантириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этади;

ўз маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан ўқув корпуслари, ўқув-лаборатория базаси, талабалар турар жойлари ва Университетнинг бошқа иншоотларини мебель, инвентарь, ўқув ва илмий жиҳозлар, оргтехника, компьютерлар билан жиҳозлайди, шунинг-

дек, Университетни ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан таъминлайди;

Университетнинг кутубхона фондини шакллантириш ва уни замонавий ўқув, ўқув-методик ҳамда илмий-техник адабиётлар билан тўлдиришга, шу жумладан Шарда университетининг (Ҳиндистон Республикаси) ахборот ресурс базасидан фойдаланиш имконини яратган ҳолда қўмаклашади;

Университетда таълим бериш ва ўқув жараёнини ташкил этиш учун малакали хорижий профессор-ўқитувчиларни жалб қилади.

5. Белгилансинки:

а) Университет фаолиятини молиялаштириш ва уни сақлаш:

Муассис маблағлари ва талабаларни тўлов-контракт асосида ўқитишдан тушадиган маблағлар;

хўжалик фаолиятдан ва шартнома асосида хизматлар кўрсатишдан олинадиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг хайрия эҳсонлари;

халқаро молия институтлари ва ташкилотларининг грантлари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

б) Университетда таълим олиш инглиз, ўзбек, ва рус тилларида кундузги шаклда, тўлов-контракт асосида ҳамда Университет битирувчиларининг потенциал иш берувчилари — юридик шахслар томонидан тақдим этиладиган таълим грантлари бўйича, шунингдек, ёшларнинг таълим олиши учун аввало мамлакат ҳудудлари томонидан ажратиладиган хайрия эҳсонлар ҳисобига амалга оширилади;

в) Университет Муассис билан келишган ҳолда:

Ўзбекистон Республикаси манфаатдор ташкилотларининг мутахассисларга бўлган реал эҳтиёжидан келиб чиқиб, 2019/2020 ўқув йили ва кейинги йиллар учун талабаларни қабул қилиш квоталари ва тўлов-контракт асосида ўқитиш қиймати миқдорларини белгилайди;

Шарда университети (Ҳиндистон Республикаси) ва бошқа етакчи хорижий ихтисослаштирилган таълим муассасалари ҳамда илмий-тадқиқот марказларига ўқиш ва стажировка ўташга юбориш учун энг истиқболли талабаларни танлов асосида саралаб олишни ташкил этади;

Университет профессор-ўқитувчилари ва докторантлари учун халқаро тажриба алмашинувини ташкиллаштиради;

г) Университет ректори Муассис томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишилган ҳолда лавозимига тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги билан биргаликда Университетни ташкил этиш даврида унинг фаолиятини йўлга қўйиш билан боғлиқ ташкилий, юридик, иқтисодий, ўқув-услубий, моддий-техник ва бошқа масалаларни ҳал этишда Муассисга қўмаклашсин.

7. Университетга:

кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, Муассис ҳамда Ўзбекистон

Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан келишган ҳолда янги истиқболли бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларини очиш;

тузиладиган шартномалар асосида Университетга ўқитувчилик қилиш ва илмий иш олиб бориш учун таклиф этиладиган хорижлик профессорлар ва ўқитувчиларнинг яшаши ҳамда транспорт харажатларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун белгиланган тарифлар бўйича ҳақ тўлашга рухсат берилсин.

8. Андижон шаҳри, Бобуршоҳ кўчаси, 73-уй манзилида жойлашган Андижон саноат ва транспорт касб-хунар коллежининг бино ва иншоотлари ҳамда унга туташ ҳудуд оператив бошқарув ҳуқуқи билан Андижон машинасозлик институтига берилсин, кейинчалик уларда Университет бепул фойдаланиш ҳуқуқи билан жойлаштирилсин.

Белгилаб қўйилсинки:

Андижон саноат ва транспорт касб-хунар коллежининг ўқувчилари ўқишни тамомлагунларига қадар Андижон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган 2-Андижон маиший хизмат касб-хунар коллежининг биноларида ўқишни давом эттиради;

Андижон машинасозлик институтига берилган Андижон саноат ва транспорт касб-хунар коллежи бино ва иншоотларини реконструкция қилиш ҳамда Университетни мебель, инвентарь, ўқув ва илмий асбоб-ускуналар, ташкилий техника, компьютерлар, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари воситалари билан жиҳозлаш билан боғлиқ ишларни молиялаштириш Муассис маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

9. Андижон вилояти ҳокимлиги Университет ва Муассиснинг буюртма-номалари бўйича:

талабалар учун яшаш жойларини ташкил қилиш, шунингдек, кўп мақсадли Университет кампусини қуриш учун зарурат бўлганда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши йўқотишларини қопламаган ҳолда, шу жумладан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан 40 гектаргача майдонга эга бўлган ер участкасини Университетга бепул асосда доимий фойдаланиш учун ажратсин;

Университет бино ва иншоотларини муҳандислик коммуникацияларига уланишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Муассис билан биргаликда бир ой муддатда таъсис ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва келишилишини, шунингдек, Университетни белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

11. 2022 йил 1 апрелга қадар:

Университет барча турдаги солиқларни тўлашдан, шунингдек, хорижий ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш фонди қисми бўйича ягона ижтимоий тўловдан;

Муассис Ўзбекистон Республикасида Университет фаолиятдан олган даромадлари бўйича юридик шахслардан олинадиган фойда солигини тўлашдан;

Университетни қуриш, реконструкция қилиш, жиҳозлаш ва фаолиятини таъминлаш учун Муассис, Университет ва пудрат ташкилотлари томонидан ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхат бўйича олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган жиҳозлар, шу жумладан ўқув ва илмий-лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси, дастурий маҳсулотлар, оргтехника, ўқитишнинг техник воситалари, ўқув ва илмий-методик адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари, инвентарь ва бошқа моддий-техника ресурслари божхона тўловларини тўлашдан (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги ва Университет буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимлар, шунингдек, уларнинг оила аъзолари учун кўп марталик кириш визалари консуллик ҳамда бошқа йиғимлар ундирилмасдан, белгиланган тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Андижон вилояти ҳокимлиги ва Университет буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб қилинадиган хорижий профессор-ўқитувчилар ва маъмурий ходимларига ҳамда уларнинг оила аъзоларига давлат божлари тўлашдан озод этган ҳолда кўп марталик визалар берилиши ва узайтирилишини, шунингдек, уларнинг яшаш жойида вақтинчалик рўйхатдан ўтказилиши ҳамда вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

15. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 10 апрель,
ПҚ-4278-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

284 Чақирилувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисида- ги низомни тасдиқлаш ҳақида*

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ ҳамда чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёрлаш, муддатли ҳарбий хизматни ўташ тизимини янада такомиллаштириш, чақирилувчиларни танлаб олишда шаффофлик, ошкоралик ва жамоатчилик назоратини янада кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Чақирилувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари резервига бўшатишган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтаришни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2009 йил 14 январдаги 10-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2009 й, 3-сон, 13-модда) 2-бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази директорининг — Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари резервига бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларни алоқадор вазирликлар ва идоралар томонидан тақдим этилган жадвалларга мувофиқ тест синовларидан ўтказиш юзасидан шахсан жавобгарлиги белгилаб қўйилсин».

3. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Б.Н. Курбанов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 9 апрель,
291-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 10 апрелда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 9 апрелдаги даги 291-сон қарорига
ИЛОВА

Чақирилувчиларни танлаб олиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка жалб этиш ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафидаги муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун танлаб олиш тартибини белгилайди.

2. Танлов чақирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш, касбий танлов ва якка тартибда суҳбат ўтказиш мақсадида мазкур Низомга 1-иловада* белгиланган таркибда туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан тузиладиган Чақирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш, улар билан касбий танлов ҳамда якка тартибда суҳбат ўтказиш бўйича танлов кенгаши (кейинги ўринларда Танлов кенгаши деб аталади) томонидан ташкил этилади ва 2-иловада* келтирилган схемага мувофиқ ўтказилади.

3. Танлов кенгаши чақирилувчиларни танлаб олиш мақсадида чақирилувчиларнинг ҳужжатларини ўрганиш, уларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш, касбий танлов ўтказиш ҳамда якка тартибда суҳбат ўтказиш тадбирларини ташкил қилади.

4. Чақирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш, касбий танлов ҳамда якка тартибда суҳбат ўтказиш жойлари туман (шаҳар) ҳокимининг қарори билан белгиланади.

5. Танлов кенгаши мазкур Низомда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида тўлиқ амалга оширилиши учун масъулдир.

6. Чақирилувчиларнинг:

умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш — умумжисмоний нормативларни қабул қилиш орқали;

касбий танлов ўтказиш — билим савияси ва интеллектуал қобилиятини баҳолаш орқали;

якка тартибда суҳбат ўтказиш — Ўзбекистон тарихи, Амир Темури (тузуклари) ва бошқа улуг аждодларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир билимларини аниқлаш орқали амалга оширилади.

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда чақирилувчилар куч, тезлик ва чидамлилиқни аниқловчи нормативларни топширадилар.

Касбий танлов компьютердан фойдаланган ҳолда ўтказилади. Бунда чақирилувчилар умумий ўрта, ўрта махсус ёки касб-ҳунар таълими фан дастурлари доирасида ўтилган мавзуларга мувофиқ келадиган ва чақирилувчиларнинг олган билимларини аниқлаш имкониятини берадиган материаллар асосида бериладиган саволларга жавоб берадилар.

* 1-2-илловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Якка тартибда суҳбат жараёнида чақирилувчиларнинг маҳалла ва жамиятда тутган ўрни, оилавий аҳволи, обрў-эътибори, юриш-туриши, қизиқишлари, Ўзбекистон тарихи, буюк саркардаларимиз ва аجدодларимиз ҳаёти ва фаолиятига доир билимлари аниқланади, шунингдек, умумжисмоний тайёргарлик ва касбий танлов бўйича ўтказилган синов натижалари асосида чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка жалб этиш ёки уларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташи юзасидан тавсия берилади ёки тавсия берилмайди.

7. Туман (шаҳар) чақирув комиссиялари Танлов кенгаши томонидан берилган тавсия асосида чақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка жалб этиш ёки муддатли ҳарбий хизматга қақириш тўғрисида тегишли қарор қабул қилади.

8. Чақирилувчилар танловда бир йилда фақат бир марта иштирок этиши мумкин.

9. Танлов Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг умумий раҳбарлиги остида ташкил этилади ва амалга оширилади.

2-боб. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби

1-§. Танловни ташкил этиш ва ўтказишнинг умумий талаблари

10. Танлов чақирув йилидан аввалги йилнинг 10 августидан чақирув йилининг 10 февралига қадар ўтказилади.

Танловга қақириш муддатини кечиктириш ва қақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, соғлигининг ҳолати бўйича ҳарбий хизматни ўташга яроқли бўлган чақирилувчилар жалб этилади.

11. Ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликдан ўтиш ёки муддатли ҳарбий хизматни ўташ истагида бўлган чақирилувчилар яшаш жойидаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимларга мурожаат қилади.

Танловда иштирок этишда чақирилувчиларнинг сони чекланмайди.

12. Танловнинг шаффофлигини бевосита кузатиб бориш учун мазкур жараёнга чақирилувчиларнинг ота-оналари таклиф этилади.

13. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашга, касбий танловга ва якка тартибда суҳбатга чақирилувчилар рўйхат асосида фуқаролик паспорти билан киритилади.

14. Танлов натижалари Танлов кенгаши томонидан расмийлаштирилади ва туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимларга тақдим этилади.

15. Танловни ўтказиш жараёнида тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун тиббиёт ходимлари, зарур ҳолларда жамоат тартибини сақлаш учун ички ишлар органлари ходимлари жалб этилади.

16. Танловга жалб этиладиган Танлов кенгаши аъзоларининг иш жойи, лавозими ва ўртача ойлик иш ҳақи улар мазкур Низомда белгиланган вазифаларни бажараётган бутун давр мобайнида сақлаб қолинади.

17. Танловни ўтказиш билан боғлиқ тадбирлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан чақирув тадбирлари учун ажратиладиган маҳаллий бюджет маблағлари доирасида молиялаштирилади.

2-§. Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тартиби

18. Умумжисмоний тайёргарлик нормативларини топширишда дастлаб чақирилувчиларга умумжисмоний тайёргарликни баҳолаш учун Танлов кенгаши таркибига киритилган мутахассислар (туман (шаҳар) халқ таълими бўлими вакили, умумий ўрта таълим муассасаларининг чақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси, чақирилувчилар ота-оналари орасидан бўлган вакиллар) томонидан нормативларни бажариш бўйича белгиланган талаблар, мезонлар ва уларни бажариш тартиби тушунтирилади.

19. Чақирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш қуйидаги умумжисмоний нормативларни қабул қилиш орқали амалга оширилади:

турникда тортилиш;
100 метрга югуриш;
3000 метрга югуриш.

20. Чақирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражаси қуйидагича баҳоланади:

а) турникда тортилиш бўйича:
12 маротаба ва ундан кўп тортилганда — 5 (аъло);
10-11 маротаба тортилганда — 4 (яхши);
8-9 маротаба тортилганда — 3 (қониқарли);
1 — 7 маротаба ёхуд умуман тортила олмаганда — 2 (қониқарсиз);
б) 100 метрга югуриш бўйича:
14,0 сония ичида бажарган тақдирда — 5 (аъло);
14,1 — 14,4 сонияда бажарган тақдирда — 4 (яхши);
14,5 — 15,0 сонияда бажарган тақдирда — 3 (қониқарли);
15,1 сония ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — 2 (қониқарсиз);
в) 3000 метрга югуриш бўйича:
12,40 дақиқа ичида бажарган тақдирда — 5 (аъло);
12,40 дақиқадан 13,20 дақиқагача бажарган тақдирда — 4 (яхши);
13,20 дақиқадан 14,0 дақиқагача бажарган тақдирда — 3 (қониқарли);
14,0 дақиқадан кўп вақтда бажарган тақдирда — 2 (қониқарсиз).

21. Чақирилувчиларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда битта 2 (қониқарсиз) баҳо олган чақирилувчи умумжисмоний тайёргарлик нормативларини топшира олмаган деб ҳисобланади.

22. Умумжисмоний тайёргарлик нормативларини топшира олмаган чақирилувчиларга нормативларни такроран топширишга рухсат берилмайди.

23. Умумжисмоний тайёргарлик нормативларини топширган чақирилувчиларга баҳолар қайдномаси расмийлаштирилади. Мазкур баҳолар қайдномасида чақирилувчилар томонидан бажарилган нормативлар ва уларга қўйил-

ган баҳолар қайд этилади. Баҳолар қайдномаси Танлов кенгаши аъзолари томонидан имзоланиб, қўйилган баҳолар билан танишганликлари юзасидан чақирилувчилар томонидан ҳам имзоланади.

24. Умумжисмоний тайёргарлик нормативларини топширмаган чақирилувчилар касбий танлов тадбирларига қўйилмайди.

3-§. Касбий танловни ўтказиш тартиби

25. Касбий танлов компьютердан фойдаланган ҳолда бериладиган саволларга тўғри жавобларни белгилаш йўли билан ўтказилади.

26. Компьютер хоналарини тайёрлаш учун мудофаа ишлари бошқармаси ва туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлими бошлиғи шахсан масъулдир. Касбий танлов, заруратга кўра, таълим муассасаларининг компьютер хоналаридан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

27. Компьютер хонасидаги ўринлар сони 25 нафар чақирилувчига мўлжалланган, чақирилувчилар ва Танлов кенгаши аъзолари учун етарли миқдордаги стол-стуллар ва компьютерлар билан жиҳозланган бўлиши лозим. Касбий танлов жараёнининг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш, уни тўғридан-тўғри кузатиб бориш учун ота-оналарга шароит яратиб бериш мақсадида компьютер хонаси видеокузатув камералари билан жиҳозланган бўлиши шарт.

28. Саволлар умумий ўрта, ўрта махсус ёки касб-хунар таълими фан дастурлари доирасида ўтилган мавзуларга мувофиқ келадиган ва чақирилувчиларнинг олган билимларини аниқлаш имкониятини берадиган материаллар асосида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тузилади ва компьютерга жойлаштирилади.

29. Туман (шаҳар) халқ таълими бўлими масъул вакили саволларнинг мавзулари ва вариантлари, жавобларнинг ошкор қилинмаслиги ҳамда саволларни касбий танлов ўтказиладиган жойга олиб келишга шахсан жавобгар ҳисобланади.

30. Касбий танлов бошланганидан сўнг компьютер хонасига Танлов кенгаши аъзоларидан бошқа ҳеч ким киритилмайди, чақирилувчилар билан компьютерда берилган саволлар бўйича савол-жавоблар ўтказиш тақиқланади.

31. Касбий танлов ўтказиладиган компьютер хоналарига луғат, китоблар, уяли телефон, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

32. Касбий танлов вақтида чақирилувчининг компьютер хонасидан чиқиши ман этилади, соғлиғи ёмонлашган ҳолатларда Танлов кенгаши аъзоларининг кузатуви остида компьютер хонасидан чиқиш ҳоллари бундан мустасно.

33. Чақирилувчиларга касбий танлов ўтказиш тартиби ва саволларга жавоб бериш қоидалари Танлов кенгаши таркибига киритилган мутахассислар (туман (шаҳар) халқ таълими бўлими вакили, умумий ўрта таълим муассасаларининг қақурувга қадар бошланғич тайёргарлик фани ўқитувчиси) томонидан тушунтириб ўтилади.

34. Саволларнинг сони 60 тани ташкил этиб, уларга жавоб бериш учун 1 соат 30 дақиқа вақт ажратилади.

35. Чақирилувчилар томонидан белгиланган жавоблар қуйидаги баҳолаш мезонларига мувофиқ баҳоланади:

56 — 60 та саволга тўғри жавоб учун — 5 (аъло);

51 — 55 та саволга тўғри жавоб учун — 4 (яхши);

46 — 50 та саволга тўғри жавоб учун — 3 (қониқарли);

45 та ва ундан кам саволга тўғри жавоб учун — 2 (қониқарсиз).

36. Касбий танловда савол-жавобларнинг якуний баҳоси автоматик тарзда компьютер мониторида кўринади. Шунингдек, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида чақирилувчиларнинг якуний баҳолари қулай жойга ўрнатилган экранда ота-оналар учун тўғридан-тўғри кўрсатиб борилади.

37. Касбий танлов якунида чақирилувчиларнинг натижалари бўйича баҳолар қайдномаси расмийлаштирилади. Мазкур баҳолар қайдномасида чақирилувчиларнинг натижалари ва қўйилган баҳолари кўрсатиб ўтилади. Баҳолар қайдномаси Танлов кенгаши аъзолари томонидан имзоланиб, қўйилган баҳолар билан танишганликлари юзасидан чақирилувчилар томонидан ҳам имзоланади.

38. Касбий танловдан 5 (аъло), 4 (яхши), 3 (қониқарли) баҳо олган чақирилувчилар билан якка тартибда суҳбат ўтказилади, 2 (қониқарсиз) баҳо олган чақирилувчилар эса мазкур тадбирга қўйилмайди.

39. Чақирилувчиларга касбий танловни такроран топширишга рухсат берилмайди.

4-§. Якка тартибда суҳбат ўтказиш тартиби

40. Якка тартибда суҳбат жараёнининг шаффофлиги ва ошкоралигини таъминлаш, уни тўғридан-тўғри кўриб бориш учун ота-оналарга шароит яратиб бериш мақсадида якка тартибда суҳбат ўтказиш хонаси видеокузатув камералари билан жиҳозланган бўлиши лозим.

41. Якка тартибда суҳбат ўтказиш хонасини тайёрлаш учун мудофаа ишлари бошқармаси ва туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлими бошлиғи шахсан масъул ҳисобланади. Якка тартибда суҳбат, заруратга кўра, туман (шаҳар) чақирув участкасининг маънавият ва маърифат хонасидан фойдаланган ҳолда ўтказилиши мумкин.

42. Якка тартибда суҳбат чақирилувчининг ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка ёки муддатли ҳарбий хизматга бориш сабабини, етакчилик фазилатлари, ақлий қобилияти ва бошқа муҳим профессионал хусусиятларини аниқлаш мақсадида умумжисмоний тайёргарлик даражаси ва касбий танлов натижалари асосида ўтказилади.

43. Якка тартибда суҳбат коллегиял принцип бўйича Танлов кенгаши томонидан ўтказилади.

44. Якка тартибда суҳбатдан ўтаётган чақирилувчининг шахсий ҳужжатлар жилди, умумжисмоний тайёргарлик даражаси ва касбий танлов нати-

жаларининг баҳолар қайдномалари Танлов кенгаши аъзоларига туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлими томонидан тақдим этилади.

45. Якка тартибда суҳбат якунида Танлов кенгаши чақирилувчини ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёрликка жалб этиш ёки муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун тавсия этади ёки тавсия этмайди. Тавсия мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ расмийлаштирилади.

46. Чақирилувчининг ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка жалб этилиши ёки Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўташи юзасидан Танлов кенгаши томонидан қабул қилинган қарор қайднома китобига ёзиб қўйилади.

47. Якка тартибда суҳбат якунида Танлов кенгаши аъзолари томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ тавсия расмийлаштирилади. Мазкур тавсия Танлов кенгаши аъзолари томонидан имзоланиб, қабул қилинган қарор билан танишганлиги тўғрисида чақирилувчи томонидан ҳам имзоланади.

3-боб. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва худудий бўлинмаларининг танловни ўтказиш жараёнидаги вазифалари

48. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги «Нуроний» Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Марказий кенгаши билан ҳамкорликда танлов тадбирларини ўз вақтида, ҳолисона ва шаффоф ўтказилишига амалий ёрдам кўрсатади;

танловни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ҳарбий округ штаблари томонидан тақдим этилган танлов тадбирларига жалб этиладиган чақирилувчилар сони, улар билан ўтказиладиган касбий танлов, умумжисмоний тайёргарлик нормативларини қабул қилиш ва якка тартибда суҳбат ўтказиш жадваллари, Танлов кенгаши раиси ва аъзоларининг рўйхати, касбий танлов ўтказиладиган компьютер хоналари тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирига тақдим этиш учун умумлаштиради;

жойлардаги танлов тадбирларининг сифатли ташкил этилганлиги ва тегишли даражада ўтказилаётганлигини ўрганади, бу борада уларга амалий ёрдам кўрсатади.

49. Ҳарбий округ штаблари:

йилнинг 25 августига қадар мудофаа ишлари бошқармалари томонидан тақдим этилган танлов тадбирларига жалб этиладиган чақирилувчилар сони, улар билан ўтказиладиган умумжисмоний тайёргарлик нормативларини қабул қилиш, касбий танлов ва якка тартибда суҳбат ўтказиш жадваллари, Танлов кенгаши раиси ва аъзоларининг рўйхати, касбий танлов ўтказиладиган компьютер хоналари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига тақдим этади;

танлаб олиш тадбирлари жараёнини бевосита жойларга бориб ўрганади, амалий ёрдам кўрсатади, юзага келаётган муаммоларни бартараф этади;

йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, кейинчалик ҳар ойнинг 28 санасига қадар мудофаа ишлари бошқармалари томонидан тақдим этилган, танловда қатнашган қақирилувчиларнинг умумий сонидан, Танлов кенгаши аъзолари томонидан қақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка жалб этиш ёки муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун тавсия этилган ёки тавсия этилмаганлар сони ҳақидаги маълумотларни умумлаштириб, Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига тақдим этиб боради.

50. Мудофаа ишлари бошқармалари:

йилнинг 1 августига қадар шаҳар ва туманларда «Қақирилувчиларни танлаб олиш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида»ги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоят ҳокимларининг қарори лойиҳаларини ишлаб чиқади;

йилнинг 1 августига қадар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғининг танловга оид буйруғини тайёрлайди. Мазкур буйруқ билан танлов режасини ҳамда бошқарма ҳарбий хизматчилари орасидан масъул шахслар таркибини тасдиқлайди;

йилнинг 10 августига қадар танлов тадбирларини ўтказишга масъул бўлган шахслар билан семинар машғулотларини ўтказишга;

йилнинг август ойидан бошлаб ҳар ойда шаҳар ва туманларда ўтказилаётган танлов тадбирлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари — телевидение, радио, газета ва журналлар, интернет сайтлари ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали эълонлар бериб боради;

туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимлари томонидан тақдим этилган қақирув ресурсларини ўрганиш натижалари, танлов тадбирларига жалб этиладиган қақирилувчилар сони, улар билан ўтказиладиган умумжисмоний тайёргарлик нормативларини қабул қилиш, касбий танлов ва якка тартибда суҳбат ўтказиш жадваллари, Танлов кенгаши раиси ва аъзоларининг рўйхати, касбий танлов ўтказиладиган компьютер хоналари тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириб, йилнинг 15 августига қадар ҳарбий округ штабига тақдим этади;

жойларда танловнинг ўз вақтида ўтказилишини ташкил этади ва амалий ёрдам кўрсатади;

йилнинг сентябрь ойидан бошлаб, кейинчалик ҳар ойнинг 25 санасига қадар туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлими томонидан тақдим этилган, танловда қатнашган қақирилувчиларнинг умумий сонидан, Танлов кенгаши аъзолари томонидан қақирилувчиларни ҳарбий-техника мутахассисликлари бўйича тайёргарликка жалб этиш ёки муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун тавсия этилган ёки тавсия этилмаганлар сони ҳақидаги маълумотларни ҳарбий округ штабига тақдим этиб боради.

51. Туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимлари:

йилнинг 1 июлидан 30 июлига қадар қақирув ресурсини тўлиқ ўрганади, умумжисмоний тайёргарлик нормативларини топшириш учун тиббий

кўрик натижаларига кўра ҳарбий хизматга яроқли бўлган чақирилувчилар рўйхатини тузади;

чақирилувчиларни танлаб олиш ишларини ташкил этиш тўғрисида туман (шаҳар) ҳокими қарорининг лойиҳасини ишлаб чиқади ва йилнинг 1 августига қадар туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдим этади. Қарорда мазкур Низомга 1-иловада кўрсатилган тарзда Танлов кенгаши таркиби, танлов ўтказиш режаси ва умумжисмоний тайёргарлик нормативлари ўтказиладиган таълим муассасалари рўйхати, чақирилувчилар билан касбий танлов ва якка тартибда суҳбат ўтказиш жойи белгиланади;

йилнинг август ойидан бошлаб ҳар ойда танлов тadbирлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари — телевидение, радио, газета ва журналлар, интернет сайтлари ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали эълонлар бериб боради;

танловни ўтказиш тартиби, вақти ва жойи ҳақидаги эслатмани туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлими ҳудудида фуқароларга кўриниш учун қулай жойларга, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг маъмурий бинолари ва аҳоли гавжум бўлган бошқа жойларга жойлаштиради;

умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш синовларидан муваффақиятли ўтган чақирилувчилар рўйхатини шакллантиради ва касбий танлов ўтказиш учун Танлов кенгашига тақдим этади;

касбий танловдан муваффақиятли ўтган чақирилувчилар рўйхатини шакллантиради ва якка тартибда суҳбат ўтказиш учун Танлов кенгашига тақдим этади;

танловда рўйхатдаги чақирилувчиларнинг тўлиқ иштирокини таъминлайди;

танловнинг якуний натижаларини туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимининг фуқароларга кўриниши қулай бўлган жойларига жойлаштиради.

4-боб. Танлов натижалари бўйича берилган апелляцияларни кўриб чиқиш

52. Апелляция мурожаатларини кўриб чиқиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари раҳбарлигида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «Нуроний» Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ҳудудий кенгашлари вакилларида иборат апелляция комиссияси ташкил этилади.

53. Танлов натижасидан норози бўлган чақирилувчи танлов натижаси эълон қилингандан кейин уч иш куни давомида апелляция комиссиясига ёзма равишда мурожаат қилиши мумкин.

54. Апелляция комиссияси апелляция шикоятини икки иш куни ичида чақирилувчи иштирокида кўриб чиқади. Апелляцияни кўриб чиқиш нати-

жаси бўйича баённома тузилади ҳамда баённома апелляция комиссияси раси ва аъзолари томонидан имзоланади. Апелляция комиссиясининг баённомасидан кўчирма чақирилувчига топширилади.

55. Апелляцияни кўриб чиқиш натижалари бўйича апелляция комиссияси қарори юзасидан чақирилувчи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда юқори турувчи органга ёки судга мурожаат қилиши мумкин.

5-боб. Якунловчи қоидалар

56. Танлов натижаларига оид ҳужжатлар 2 йил давомида туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимларида сақланади ва ушбу муддат ўтганидан сўнг ўрнатилган тартибда йўқ қилинади.

57. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

285 Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2658-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2015 йил 2 февралдаги 72-сон буйруғи (рўйхат рақами 2658, 2015 йил 5 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 9-сон, 106-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 март,
212-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
мудофаа вазирининг 2019 йил 13 мартдаги
212-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий
ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 20-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган Тинч ва ҳарбий даврда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 11-банднинг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«ўқиш, иш ёки хизматни ўташ жойидан (агар ўқиётган, ишлаётган ёки хизматни ўтаётган бўлса) тавсифнома ҳамда маълумотнома;».

3. 39-банддаги «Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сонли қарори билан тасдиқланган Тинч ва ҳарбий даврда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРИНИНГ
БҲЙРУҒИ

286 **Хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳарбий хизматчилар (ҳарбий хизматга мажбурлар) ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган ҳолда бир йўла тўланадиган нафақани тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2144-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2010 йил 5 августдаги 430-сон буйруғи (рўйхат рақами 2144, 2010 йил 7 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 40-41-сон, 353-модда) билан тасдиқланган Хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳарбий хизматчилар (ҳарбий хизматга мажбурлар) ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган ҳолда бир йўла тўланадиган нафақани тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 13 март,
213-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
мудофаа вазирининг 2019 йил 13 мартдаги
213-сон буйруғига
ИЛОВА

**Хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳарбий
хизматчилар (ҳарбий хизматга мажбурлар) ҳалок бўлган
ёки тан жароҳати олган ҳолда бир йўла тўланадиган
нафақани тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Тан жароҳатининг ҳарбий хизматчиларнинг ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариши билан бўлган сабабий боғланиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ–4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомда ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель) белгиланган тартибда ҳарбий-тиббий комиссиялар томонидан аниқланади.».

2. 11-банднинг иккинчи хатбошисидан «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуrolли кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрик ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 15-иловасига мувофиқ,» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

287 Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1141-4

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2002 йил 22 апрелдаги 10/4-сон қарори (рўйхат рақами 1141, 2002 йил 16 май) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2002 й., 10-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
5/22-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 мартдаги 5/22-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жисмоний
шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши
ва муомаласи тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 12 ва 13-бандларнинг «ж» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.
2. 16-банднинг «а» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:
«а) агар облигацияда унинг рақами, қиймати ва сотилган санасининг ўзгартирилганлиги ёки қалбакилаштирилганлиги белгилари бўлмаса;».
3. 18-банддан «, банк-агент муҳри билан амалга оширилган қайдларни тасдиқлайди» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
4. 29-банддан «ва банк-агентнинг муҳри билан тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
5. 37-банддан «ва банк-агентнинг муҳри билан тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**288 Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар
томонидан чет эл валютасида касса операциялари-
ни юритиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 611-5*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

да»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 28 мартда 35-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига (рўйхат рақами 611, 1999 йил 22 январь) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 1-сон) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
5/5-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 мартдаги 5/5-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар
томонидан чет эл валютасида касса операцияларини
юритиш тартибига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 4-банднинг учинчи хатбошисидан «, кассир муҳри (бурчакли муҳри) билан тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. 11-банднинг бешинчи хатбошисидаги «муҳр» деган сўз «штамп» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. 1-иловадан «М.Ў.» қисқартмаси чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

289 Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби-
ни юритиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар
киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1728-3*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2007 йил 8 сентябрдаги 23/1-сон қарори (рўйхат рақами 1728, 2007 йил 12 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й., 41-42-сон, 426-модда) билан тасдиқланган Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномага иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
5/9-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил
16 мартдаги 5/9-сонли қарорига
ИЛОВА

**Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш
тўғрисида йўриқномага киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 16-банднинг иккинчи хатбошиси ва 88-банддаги «муҳри» деган сўз «штампи» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. 170-банддаги «мемориал ҳужжатлар билан бирга касса ҳисобварағи билан ўтказилган корреспонденциялашган ва ордерларни» деган сўзлар «касса ҳисобварағи билан корреспонденциялашган ва касса ордерларини» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3. 173-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«173. Қуйидаги ҳужжатлар кассада, омборда ёки ёнмайдиган шкафларда сақланиши шарт:

йиллик ҳисоботнинг тегишли имзолар билан расмийлаштирилган нусхаси ҳамда ойлик (чорак) баланс унинг барча иловалари билан;

охирги ўн икки ой учун касса ҳужжатлари;

ёрдамчи китоблар.».

4. 174-банддан «ўтган ойлар учун мемориал ҳужжатлар ва» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

5. 2-илованинг 3-бандидаги «(муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар «(муҳр изига бўлган талаб тадбиркорлик субъектларига нисбатан татбиқ этилмайди)» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 4 — 12 ва 19-иловалардан «М.Ў.» деган қисқартма чиқариб ташлансин.

7. 15-илова ўз кучини йўқотган деб топилсин.

8. 16-иловадан «Муҳр ўрни (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**290 Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС)
«Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот ва солиқ масла-
ҳатчилари ташкилотининг хулосасини тузиш ва мижозга
(ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»га ўзгартириш-
лар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ–4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 28 майдаги 44-сон буйруғи (рўйхат рақами 2375, 2012 йил 28 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 26-27-сон, 299-модда) билан тасдиқланган Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг хулосасини тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»га иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 18 март,
40-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 18 мартдаги
40-сон буйруғига
ИЛОВА

**Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС)
«Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот ва солиқ маслаҳатчилари
ташкilotининг хулосасини тузиш ва миждозга (ишонч
билдирувчига) тақдим этиш тартиби»га киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. 9-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9. Ҳисоботнинг ҳар бир бети солиқ маслаҳатини амалга оширган солиқ маслаҳатчиси томонидан имзоланади, шунингдек ҳисобот солиқ маслаҳатчилари ташкilotи раҳбари томонидан тасдиқланади.».

2. 12⁴-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«12⁴. Хулоса солиқ маслаҳатчиси (солиқ маслаҳатчилари) ва солиқ маслаҳатчилари ташкilotининг раҳбари томонидан имзоланиши керак.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**291 «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини
ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғри-
сидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга
ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш
тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908-6*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари ҳамда 2020-2021 йил-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

ларга бюджет мўлжаллари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
45-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
2019-21-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги
45 ва 2019-21-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 9 февралдаги 20, 2009-9-сон «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1908, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 97-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 12 мартдаги 19, 2010-9-сон «Цементга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1908-1, 2010 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 12-сон, 90-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 14 июлдаги 58, 2010-30-сон «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги

низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1908-2, 2010 йил 20 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 249-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 4 мартдаги 20, 2014-7-сон «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1908-3, 2014 йил 6 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 119-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 20 июлдаги 53, 2016-31-сон «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1908-4, 2016 йил 28 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 30-сон, 373-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 42, 2018-14-сон «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1908-5, 2018 йил 9 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 10-сон, 185-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

292 «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2759-2

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2016 йил 28 январдаги 3, 2016-05-сон «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2759, 2016 йил 3 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 5-сон, 45-модда);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 38, 2018-13-сон «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2759-1, 2018 йил 7 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 10-сон, 181-модда).

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
43-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

Давлат солиқ
қўмитаси раиси

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
2019-15-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕХНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИҚТИСОДИЁТ ВА САНОАТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

**293 «Ташкил этиладиган иш ўринларини ҳисобга олиш
ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги ни-
зомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб
топиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2473-1*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 6 майдаги 28-қ, 31, 4қ-2013-сон «Ташкил этиладиган иш ўринларини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2473, 2013 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 344-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
12-2019-қ/қ-сон

Иқтисодиёт ва саноат вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
5-сон

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
3-мб-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
БАНДЛИК ВА МЕҲНАТ МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СТАТИСТИКА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

294 «Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2474-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 мартдаги ПҚ-4227-сон «2019 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил этиш бўйича давлат буюртмаси тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ва Давлат статистика қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Давлат статистика қўмитасининг 2013 йил 1 майдаги 26, 3қ-2013-сон «Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2474, 2013 йил 27 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 26-сон, 345-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
13-2019-қ/қ-сон

**Давлат статистика
қўмитаси раиси**

Б. БЕГАЛОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
2-мб-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

295 Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836-3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 февралдаги ПҚ-4160-сон «Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорациясининг «Бизнес юритиш» йиллик ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг рейтингини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2016 йил 5 октябрдаги 78, 2016-34 ва 341-В-сон қарори (рўйхат рақами 2836, 2016 йил 3 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 44-сон, 516-модда) билан тасдиқланган Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
42-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
2019-27-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

Марказий банк раиси**М. НУРМУРАТОВ**

Тошкент ш.,
2019 йил 25 март,
341-В-3-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва
Марказий банк Бошқарувининг 2019 йил
25 мартдаги 42, 2019-27 ва
341-В-3-сон қарорига
ИЛОВА

**Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек
харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини
ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа
тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. 27-банднинг иккинчи хатбошисидан «ва ташкилотнинг муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
2. 28-банднинг иккинчи хатбошисидан «ва ташкилотнинг муҳри (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
3. 1 ва 4-иловалардан «М.Ў. (муҳр мавжуд бўлган тақдирда)» деган сўзлар чиқариб ташлансин.
4. 2-илова мазкур ўзгартиришларнинг иловасига мувофиқ таҳрирда баён этилсин.

Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилот-
лар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа
тўловлар учун харажатлар амалга
оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга
киритилаётган ўзгартиришларга
ИЛОВА

«Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш,
шунингдек харажатларни қоплаш бўйича
суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилот-
лар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа
тўловлар учун харажатлар амалга оширили-
ши тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ташкилот штампи

_____ Пенсия жамғармасининг
туман (шаҳар) бўлимига

(ташкилотнинг тўлиқ номи)

Банк реквизитлари _____
(банк номи, МФО, ҳисобварақ рақами)

СТИР _____

Ходимларнинг рўйхатдаги ўртача сони: _____

Пенсия жамғармасининг туман (шаҳар)
бўлимининг штампи ёки белгиси

Олинди _____
(талабномани қабул қилган ходимнинг имзоси)

20 _____ йил _____ учун харажатларни
тўлашга Пенсия жамғармасидан маблағларни олишга
ТАЛАБНОМА*

Т/р	Кўрсаткичлар	Пенсия ва нафақалар олувчилар сони	Ҳақиқатдаги харажатлар, сўмда	Шу жумладан ўтган давр учун, сўмда
1.	Ишловчи пенсионерларга пенсия			
2.	Бола туғилганда бериладиган нафақалар			
3.	Дафн этиш маросими учун нафақалар			
4.	16 ёшгача бўлган ногирон болаларнинг ота-оналаридан бирига қўшимча дам олиш кунлари ҳақининг тўлови			
5.	Уй-жой-коммунал хизматлар бўйича бериладиган имтиёзлар ўрнига компен- сация пул тўловлари			
	Шу жумладан, қуйидагиларни олувчи- ларга:			
	а) энг кам иш ҳақи миқдорининг 45%ини			
	б) энг кам иш ҳақи миқдорининг 25%ини			
	ЖАМИ:			

* Ҳар ойда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг ўнинчи санасига қадар реестр мажбурий илова қилинган ҳолда тақдим этилади.

Ташкилотнинг раҳбари

(имзо)

Бош бухгалтер

(имзо)

Ижтимоий сугурталаш
бўйича комиссия раиси

(имзо)».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

296 Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомнинг 42-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг му-
рожаатлари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмита-
сининг 2017 йил 4 июлдаги 3-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2921, 2017 йил
28 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.,
35-сон, 935-модда) билан тасдиқланган Спорт турлари бўйича ягона спорт
таснифи тўғрисидаги низомнинг 42-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«42. Спорт унвони ва спорт разрядларини бериш тўғрисидаги тақдим-
номалар ҳар ойда малака комиссияси томонидан кўриб чиқилади. Малака
комиссияси мажлислари унинг раиси томонидан чақирилади.

Малака комиссиясининг навбатдан ташқари мажлислари зарурат бўлган
тақдирда унинг раиси томонидан чақирилиши мумкин.».

2. Мазкур буйруқ Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ҳамда
Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Марка-
зий Кенгаши билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

Д. НАБИЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 28 март,
4-мх-сон

Келишилган:

Мудофаа вазири

Б. ҚУРБОНОВ

2019 йил 28 март

Ички ишлар вазири

П. БОБОЖОНОВ

2019 йил 28 март

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда
эълон қилинган.

*Ўзбекистон Мудофаасига
кўмаклашувчи «Ватанпарвар»
ташкilotи Марказий
Кенгаши раиси*

Р. НИЯЗОВ

2019 йил 28 март

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**297 Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат
реестридан чиқариш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1390-3*

Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш бўйича 2019 йил 5 апрелдаги хулосага мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5564-сон «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, **бўяраман:**

1. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ–5564-сон «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ 2019 йил 1 январдан акциз солиғи солинадиган товарларнинг айрим турларини (автомобиль, ўсимлик ёғи ва бошқалар) сотишдан тушадиган тушумлар ҳисобини юритиш ва ундан фойдаланишнинг махсус тартиби бекор қилинганлиги;

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 36-моддасига асосан янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 8 апрелда эълон қилинган.

қилинганлиги муносабати билан илгари қабул қилинган барча ҳужжатлар ёки уларнинг қисмлари, агар улар янги ҳуқуқий нормаларга зид бўлса ёки амалда ўз аҳамиятини йўқотган, лекин расман ўз кучини йўқотган деб топилмаган бўлса, ўз кучини йўқотган деб топилиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан Иқтисодиёт вазирлигига 2018 йил 20 ноябрда киритилган Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқиш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисида вақтинчалик низомни (рўйхат рақами 1390, 2004 йил 26 июль) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 30 октябрдаги ПФ-5564-сон «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва ракобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқлаштириш ҳақидаги 6-01/42-6070/1-сон тақдимнома талаблари бажарилмаганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлигининг «Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни (рўйхат рақами 1390, 2004 йил 26 июль), шунингдек унга ўзгартиришларни Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқариш ҳақида 2019 йил 15 мартдаги УС-4-5/6-19-сон хати;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон қарори билан тасдиқланган Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисидаги низомнинг 18-бандига асосан вазирлик ва идоралар томонидан Адлия вазирлигининг давлат рўйхатидан ўтказилган норматив ҳужжатларни қонунчиликка мувофиқ ҳолга келтириш ҳақидаги тақдимномаси бажарилмаган тақдирда Адлия вазирлиги меъёрий ҳужжатни давлат реестридан чиқаришга ҳақли эканлиги ва бу меъёрий ҳужжатни юридик кучга эга эмас деб ҳисоблаш учун асос бўлиши маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагилар Идора-вий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестридан чиқарилсин:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2004 йил 12 июлдаги РА-01-8-31, 95, 2004-49, 256-В-сон «Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1390, 2004 йил 26 июль);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2012 йил 20 февралдаги 17, 20, 2012-9, 4/1-сон «Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1390-1, 2012 йил 20 март);

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Марказий банк Бошқарувининг 2014 йил 17 февралдаги 56, 8, 2014-3, 256-В-2-сон «Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низом-

га ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 1390-2,2014 йил 6 март).

3. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

4. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

5. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

6. Мазкур буйруқнинг ижросини назорат қилиш вазирнинг биринчи ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 8 апрель,
170-мҳ-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

298 Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (11-сонли БҲС) «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар»ни тасдиқлаш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3149

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ва бюджет ҳисобини давлат секторида молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартлари билан мувофиқлаштириш мақсадида **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (11-сонли БҲС) «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур буйруқ 2020 йил 1 январдан кучга киради.

Вазир

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 25 февраль,
18-сон

Ўзбекистон Республикаси
молия вазирининг 2019 йил 25 февралдаги
18-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти
(11-сонли БҲС) «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар»**

Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (11-сонли БҲС) «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар» (бундан буён матнда Стандарт деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ бюджет ташкилотлари, давлат мақсадли ва бошқа бюджетдан ташқари жамғармаларнинг (бундан буён ташкилотлар деб юритилади) қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Стандартда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар — ташкилотлар томонидан олинган қарз маблағлари билан боғлиқ фоиз кўринишидаги ва бошқа харажатлар;

квалификацияланган актив — белгиланган мақсадларда фойдаланиш ёки сотиш учун муайян давр ичида тайёрланадиган актив.

2. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини юритиш ҳамда улар тўғрисидаги маълумотларни молиявий ҳисоботларда акс эттириш Стандарт асосида амалга оширилади.

3. Стандарт хусусий капиталга қилинган ҳақиқий ёки вақтинчалик харажатларга қўлланилмайди.

4. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларга қуйидагилар киради:

а) жалб қилинган қисқа муддатли ва узоқ муддатли қарзлар бўйича фоизлар;

б) бюджет ссудалари ва бошқа қарзлар билан боғлиқ фоиз ва пеня ҳамда бошқа қўшимча харажатларни ҳисобдан чиқариш;

в) Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (6-сонли БҲС) «Ижара»га (рўйхат рақами 3142, 2019 йил 4 март) мувофиқ молиявий ижара билан боғлиқ тўловлар;

г) хорижий валютада жалб қилинган қарзлар бўйича юзага келадиган хорижий валюта курслари ўртасидаги тафовут билан боғлиқ тўловлар.

5. Аниқ бир вазиятларга боғлиқ равишда, белгиланган мақсади бўйича фойдаланиш ҳолатигача келтирилиши муайян вақтни талаб этадиган қуйидаги активлар квалификацияланадиган активлар бўлиб ҳисобланиши мумкин (масалан, бинолар, иншоотлар, ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, номоддий активлар ва бошқалар).

Сотиш ёки сотиб олиш вақтида белгиланган мақсадда фойдаланиш учун тайёр бўлган активлар квалификацияланган активлар ҳисобланмайди.

6. Ер участкаси квалификацияланган активга кирмайди. Ер участкасида ерга ишлов бериш каби ишлар амалга оширилса, қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ер майдони қийматига қўшилади. Бу харажатлар ер майдонидан фойдаланиш ёки сотишдан олинадиган даромадлар билан боғлиқ бўлади.

7. Сотиб олинган ер майдонининг бино ва иншоотлари қуриладиган қисмида ерга ишлов бериш каби ишлар амалга оширилса, қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ер майдони қийматига эмас, балки қуриладиган бино ва иншоотларнинг қийматига қўшилади.

2-боб. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини юритиш

1-§. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни ҳисобга олиш

8. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар мазкур бобнинг 2-параграфи-га мувофиқ капитализацияланган қисмидан ташқари, улар амалга оширилган даврда (молиявий фаолият бўйича харажатлар сифатида) ҳисобга олинади.

9. Квалификацияланган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ушбу активнинг таннархига олиб бориш йўли орқали капитализация қилинади.

10. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар квалификацияланган активнинг қийматига қўшиш йўли билан капитализация қилинади, агарда ундан ташкилот келгусида иқтисодий манфаатлар олиши мумкин бўлса ва агар бунда харажатларни ишончли ўлчаш имконияти мавжуд бўлса.

2-§. Капитализациялаштиришга йўналтирилган қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар

11. Квалификацияланган активни харид қилиш, қуриш ёки ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган қарзлар бўйича харажатларга агар тегишли актив учун харажатлар амалга оширилмаган тақдирда, вужудга келмаслиги мумкин бўлган қарзлар бўйича харажатлар киради.

Аниқ бир квалификацияланган активни харид қилиш учун ташкилот маблағларни айнан шу мақсадда четдан жалб қилган ҳолларда, ушбу актив билан бевосита боғлиқ бўлган қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар аниқ равишда белгиланиши (ўрнатилиши) мумкин.

12. Муайян даврда капитализация қилишга йўналтирилган қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар амалга оширилган қарз мажбуриятлари бўйича харажатлардан ушбу маблағлар бўйича олинган барча инвестициявий даромадларни (ушбу маблағларнинг вақтинчалик инвестиция қилинишидан) чегириш орқали аниқланади.

13. Умумий мақсадларда жалб қилинган ва квалификацияланган активни харид қилиш учун фойдаланилган қарз маблағлари доирасида капитализация қилиш учун рухсат этилган қарзлар бўйича харажатлар суммаси ушбу актив учун амалга оширилган харажатларга нисбатан капитализация ставкасини қўллаш орқали аниқланади.

14. Квалификацияланган активни харид қилиш учун махсус олинган қарзлардан ташқари, давр мобайнида ташкилотнинг қопланмай қолган қарзларига нисбатан ҳисобланган қарзлар бўйича харажатларнинг ўртача тортилган миқдори капитализация ставкаси бўлиб ҳисобланади.

15. Муайян давр мобайнида капитализация қилинган қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар суммаси ушбу давр мобайнида амалга оширилган қарзлар бўйича харажатлар суммасидан ошиб кетмаслиги лозим.

16. Квалификацияланган активнинг баланс қиймати ёки якуний таннархнинг жорий қийматидан ёки сотиш қийматидан ошиб кетса, унинг баланс қиймати бухгалтерия ҳисоби бўйича қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ қисман ёки тўлиқ ҳисобдан чиқарилади. Бунда, айрим ҳолатларда квалификацияланган актив қийматининг илгари амалга оширилган қисман ҳисобдан чиқарилган миқдори бухгалтерия ҳисоби бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ қайта тикланади.

3-§. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализациялаштириш

17. Ташкилотлар квалификацияланган актив таннархининг бир қисми сифатида қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни қуйидаги шартлар бажарилган санадан эътиборан капитализациялаштириши лозим:

актив бўйича харажатларни амалга ошириш;

қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни амалга ошириш;

активни белгиланган мақсадда фойдаланиш учун ёки сотишга тайёрлаш бўйича фаолиятнинг бошланиши.

18. Квалификацияланган активларга қилинадиган харажатлар пуллик тўловларда, бошқа активларни ўтказишда ёки фоиз мажбуриятларини қабул қилишда юзага келадиган харажатларни ўз ичига олади.

19. Илгари капитализация қилинган қарзлар бўйича харажатларни ўз ичига олган давр давомидаги активнинг ўртача баланс қиймати ушбу давр-

да капитализация ставкаси қўлланиладиган харажатларнинг асосланган қийматига тенг бўлади.

20. Активни белгиланган мақсадларда ишлатишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган фаолият активнинг яратишини ўз ичига олади. Бунга активни яратишни бошлашдан олдин амалга ошириладиган техник ва маъмурий ишлар ҳам киради (масалан, қурилишни бошлаш учун зарур бўлган рухсатни олиш билан боғлиқ фаолият). Бундай фаолиятга активга эгалик қилиш тааллуқли эмас, агарда бунда унинг ҳолатини ўзгартирувчи ишлаб чиқариш ёки модификация бўлмаса (масалан, қурилиш учун ерни тайёрлаш ишлари амалга оширилган даврда қарзлар бўйича амалга оширилган харажатлар ушбу ишларни амалга ошириш даври давомида капитализация қилинади).

Келгусида қурилиш учун сотиб олинган ер, унда ҳеч қандай тайёрлаш ишлари олиб борилмасдан эгалик қилиб турилган даврдаги қарзлар бўйича харажатлар капитализация қилинмайди.

4-§. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализациялаштиришни тўхтатиш

21. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализациялаштириш активни ишлаб чиқариш жараёнида узоқ муддатга узилиш бўлган даврда тўхтатилади ва у харажатлар сифатида тан олинади.

22. Ташкилотлар томонидан белгиланган мақсадда ишлатиш ёки сотишга мўлжалланган активни ишлаб чиқариш жараёнида узоқ муддатга узилиш бўлган даврда ҳам харажатлар амалга оширилиши мумкин (масалан, қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни молиялаштириш, тугалланмаган қурилишларни сақлаш харажатлари). Ташкилотлар томонидан сезиларли техник ва маъмурий харажатлар амалга оширилганда қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализациялаш тўхтатилмайди.

23. Вақтинчалик тўхтатиб туриш активни белгиланган мақсадда ишлатишга ёки сотишга тайёрлаш жараёнининг бир қисми бўлиб ҳисобланганда ҳам қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилиш тўхтатилмайди (масалан, захираларни етарли даражада йиғиш даврида ёки сувнинг юқори даражада бўлиши кўприк қурилишини кечиктирганда, агар ушбу географик ҳудуд учун қурилишнинг белгиланган даври давомида сувнинг бундай юқори даражада бўлиши одатий ҳол бўлса, қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилиш давом эттирилади).

5-§. Қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни молиялаштиришни тугатиш

24. Ташкилотлар квалификацияланган активни белгиланган мақсадларда фойдаланиш ёки сотишга тайёрлаш учун муҳим ишларнинг барчаси якунлангандан сўнг қарз мажбуриятлари бўйича харажатларни капитализациялашни тугатади.

25. Кунлик маъмурий ишлар давом этаётган бўлиб, активни яратиш тугатилган бўлса, объект белгиланган мақсадда ишлатишга ёки сотишга тайёр деб ҳисобланади.

26. Агарда квалификацияланган активни қуриш қисмлар бўйича тугатилганда ва ҳар бир қисмни қурилиш давомида ишлатиш мумкин бўлса, ташкилотлар активнинг ушбу қисмини белгиланган мақсадда ишлатишга ёки сотишга тайёрлаш учун зарур бўлган барча ишларни тугатганда, қарзлар бўйича харажатларни капитализация қилишни тугатиши шарт (масалан, ҳар бири алоҳида ишлатишга яроқли бўлган бир неча бинолардан иборат бўлган бизнес-марказ квалификацияланган актив ҳисобланади ва ундаги ҳар бир қисм бошқа қисмларни қуриш ҳали давом этаётган пайтда ишлатилиши мумкин бўлади).

Ташкилий қисмларидан ҳар бири алоҳида ишлатилиши мумкин бўлишидан олдин тўлиқ тугатилиши лозим бўлган квалификацияланган активга шифохона биноси мисол бўлади, яъни шифохона биносининг операцион бўлимини қурилиш тўлиқ тугатилгунга қадар ишлатиб бўлмайди.

3-боб. Ахборотни очиб бериш

27. Ташкилотлар молиявий ҳисоботларида қуйидаги маълумотлар акс эттирилиши зарур:

а) муайян даврда молиялаштирилган қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар;

б) молиялаштириладиган қарз мажбуриятлари бўйича харажатларнинг ҳажмини аниқлаш учун фойдаланилган капитализация ставкаси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

299 Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1.3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 860-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 1999 йил 21 декабрда (рўйхат рақами 860, 1999 йил 28 декабрь) тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1.3-банди саккизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 март,
2019-19-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

300 Қимматли қоғозлар бозорида манипуляцияни олдини олиш қоидаларининг 1.4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 820-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 1999 йил 25 июндаги 04/103-сон (рўйхат рақами 820, 1999 йил 21 сентябрь) билан тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорида манипуляцияни олдини олиш қоидаларининг 1.4-банди тўққизинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 март,
2019-23-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
КАПИТАЛ БОЗОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

301 Қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича ваколатли давлат органининг қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан ўзаро ҳаракатлари тартибининг 1.3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 848-4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 январдаги ПФ-5630-сон «Давлат активларини бошқариш, монополияга қарши курашишни тартибга солиш тизимини ва капитал бозорини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПК-4127-сон «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази томонидан 1999 йил 29 ноябрда (рўйхат рақами 848, 1999 йил 10 декабрь) тасдиқланган Қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича ваколатли давлат органининг қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси билан ўзаро ҳаракатлари тартибининг 1.3-банди иккинчи хатбошисигаги «Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва ривожлантириш маркази» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Капитал бозорини ривожлантириш
агентлиги директори**

А. НАЗИРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 15 март,
2019-20-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 9 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

302 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузури-
даги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати
органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш
кенгаши томонидан солиқ низоларини кўриб чиқиш регламен-
тини тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3150*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 812-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши томонидан солиқ низоларини кўриб чиқиш регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 февраль,
16-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2019 йил 21 февраль,
2019-09-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 апрелда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2019 йил 21 февралдаги
16 ва 2019-09-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги
Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари
ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши
томонидан солиқ низоларини кўриб чиқиш
РЕГЛАМЕНТИ**

Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 июндаги ПҚ-3802-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 октябрдаги 812-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши фаолиятини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) томонидан солиқ низоларини кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
аризачи — Кенгашга солиқ низоларини ҳал қилиш учун мурожаат қилган солиқ тўловчи, солиқ агенти ва (ёки) солиқ тўловчининг вакили;

солиқ низоси — солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасида (бундан буён матнда тарафлар деб юритилади) юзага келадиган солиқ солиш объектларини аниқлаш, солиқ солинадиган базани ҳисоблаш, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ставкаларини ҳамда солиқ имтиёзларини қўллаш билан боғлиқ келишмовчиликлар.

2. Кенгашнинг тарафлар ўртасида юзага келадиган солиқ низоларини кўриб чиқиш натижалари бўйича хулосалари тавсия тусига эга бўлади.

3. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси томонидан аввал кўриб чиқилган, кўриб чиқиш натижалари солиқ низосини ҳал қилиш учун Кенгашга мурожаат қилган аризачини қониқтирмаган ёки қисман қониқтирган солиқ низоларини кўриб чиқиш учун қабул қилади.

Кенгаш:

қўзғатилган жиноят ишлари доирасида ўтказилаётган солиқ текширувлари бўйича;

солиқ тўловчи солиқ низолари бўйича давлат солиқ хизмати органлари

қарорлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилган ҳолларда солиқ низоларини кўриб чиқмайди.

4. Кенгашнинг ишчи органи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида ташкил этиладиган Котибият ҳисобланади.

Котибият:

ариза берувчилар мурожаатларини қабул қилади ва рўйхатдан ўтказди;

Кенгаш мажлисларига тегишли ҳужжатлар, шунингдек, Кенгашнинг қарорлари ва хулосалари лойиҳалари тайёрланишини ташкил қилади;

солиқ низоларини кўриб чиқиш учун зарур бўлган ҳужжатларни Кенгаш аъзоларига тарқатади;

Кенгаш хулосаларининг ҳисобини олиб боради ва Кенгаш аъзоларининг солиқ низолари бўйича фикрларини умумлаштиради;

Кенгаш фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлайди;

Кенгаш, шунингдек, унинг ҳузурида ташкил этиладиган ишчи ва эксперт гуруҳлар мажлисларининг баённомалари, стенограммаларини юритади, овозларини ёзиб олади.

Котибият қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам бажариши мумкин.

2-боб. Аризани тақдим этиш тартиби

5. Аризачи солиқ низосини кўриб чиқиш учун Кенгашга мазкур Регламентнинг иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан мурожаат қилади.

Аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

солиқ тўловчини қониқтирмаган ёки қисман қониқтирган Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Солиқ низоларини судгача ҳал қилиш бошқармаси хулосаси нусхаси;

ариза солиқ агенти ёки вакил томонидан тақдим этилганда уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси.

6. Аризачи ўз хоҳишига кўра солиқ низоси масаласига алоқадор бўлган бошқа ҳужжатларнинг нусхаларини ҳам илова қилиши мумкин.

7. Аризачи Кенгашга Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий веб-сайти орқали электрон шаклда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

3-боб. Аризани кўриб чиқиш тартиби

8. Кенгашга солиқ низоси юзасидан келиб тушган аризалар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича бўлими томонидан бир иш куни давомида Котибиятга киритилади.

9. Котибият келган аризаларни рўйхатдан ўтказди ва бир иш куни давомида ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар мазкур Регламентнинг 2-боби талабларига мувофиқлигини текширади. Ариза ва унга илова қилинган ҳужжатлар мазкур Регламентнинг 2-боби талабларига мувофиқ бўлган

тақдирда Котибият бир иш куни давомида Кенгаш мажлисларига тегишли ҳужжатларни тайёрлайди.

10. Ариза мазкур Регламентнинг 2-боби талабларига мувофиқ эмас деб топилган тақдирда Котибият аризани қабул қилишни рад этади ҳамда Кенгаш раиси ва аризачига ёзма шаклда маълум қилади.

11. Котибият Кенгаш аъзоларини ва манфаатдор шахсларни Кенгаш мажлиси ўтказилиши мўлжалланган кундан беш кун аввал хабардор қилади.

12. Солиқ низоси Кенгаш томонидан ўн беш кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Айрим ҳолатларда солиқ низосининг мураккаблигига қараб, солиқ низоси билан боғлиқ ҳужжатларни Кенгаш томонидан ташкил этиладиган ишчи ёки эксперт гуруҳлари томонидан қўшимча ўрганиш, ваколатли органлардан хулосалар олиш талаб этилганда, солиқ низосини кўриб чиқиш муддати истисно тариқасида Кенгаш раиси томонидан узоғи билан бир ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда Котибият томонидан аризачига ёзма шаклда хабар қилинади.

4-боб. Кенгаш мажлисини ўтказиш тартиби

13. Кенгаш мажлислари, қоида тариқасида, бир ойда камида икки маротаба ўтказилади. Кенгаш мажлисининг сиртдан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

14. Кенгаш фаолияти қарорлар қабул қилишда тенг ҳуқуқлилик ва коллегиялик тамойилларига асосланади.

15. Кенгаш мажлисини раис олиб боради, раис қатнашмаган ҳолларда эса — раис ўринбосари олиб боради. Кенгаш мажлиси Кенгаш аъзоларидан камида учдан икки қисми қатнашаётган бўлса, ваколатли ҳисобланади.

16. Кенгаш мажлиси Кенгаш раиси томонидан Кенгаш аъзоларини мажлис кун тартиби билан таништиришдан бошланади.

17. Ҳар бир солиқ низоси Кенгаш томонидан мажлис залига тарафларни таклиф этилган ҳолда алоҳида кўриб чиқилади. Кенгаш аъзолари тарафларнинг вазлари ва сабабларини эшитади, тақдим этилган ҳужжатларни, ваколатли органлар, мутахассис ва экспертларнинг хулосаларини ўрганади.

18. Кўрилаётган солиқ низолари бўйича Кенгаш қарорлари оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади ва Кенгашнинг хулосаси тарзида расмийлаштирилади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Кенгаш раисининг ёки Кенгаш мажлисига раислик қилувчининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Кенгашнинг ҳар бир аъзоси қабул қилинаётган қарорлар бўйича ўзининг алоҳида фикрини ёзма равишда билдиришга ҳақли.

19. Зарур бўлган ҳолларда, қонун ҳужжатларига мувофиқ Кенгаш мажлислари видео ёки аудио ёзувга туширилиши мумкин.

20. Кенгаш хулосалари Кенгаш мажлисининг баённомаси билан расмийлаштирилади. Кенгаш мажлисининг баённомаси Кенгаш мажлисига раислик қилувчи томонидан тасдиқланади.

21. Кенгаш мажлисининг баённомаси қуйидагиларни ўз ичига олиши лозим:

Кенгашни ўтказиш вақти, санаси ва жойи ҳамда Кенгаш кун тартиби; ҳозир бўлган ва қатнашмаётган Кенгаш аъзолари сони, шунингдек, таклиф этилган шахсларнинг сони;

тарафларнинг номи, тарафларнинг иштироки тўғрисидаги маълумотлар, тарафларнинг вакиллари, мутахассис ва экспертлар ҳамда Кенгаш мажлисининг бошқа иштирокчилари тўғрисидаги маълумотлар;

Кенгаш мажлисида сўзга чиққан, шунингдек, тарафларга сўровлар йўллаган ёки саволлар берган (ёзма ёки оғзаки шаклда) Кенгаш аъзоларининг Ф.И.О. ва лавозими;

Кенгаш мажлисининг ўтиши тўғрисида қисқача таъриф, тарафларнинг вазлари, Кенгаш аъзолари, таклиф этилган мутахассис ва экспертларнинг фикрлари;

солиқ низоси бўйича мутахассис ва экспертларнинг хулосалари;

Кенгаш аъзоларининг, тарафлар ҳамда улар вакилларининг имзолари;

қарор қабул қилган Кенгаш аъзолари сони ҳамда «ёқлайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деб берилган овозлар сони.

Баённомада Кенгаш кун тартибига қўйилган солиқ низоларининг моҳияти очиб берилади, Кенгаш мажлиси давомида ўтказилган муҳокамалар қисқача баён этилади, шунингдек, Кенгаш кун тартибидаги масалалар юзасидан овоз бериш яқунлари қайд этилади.

22. Кўриб чиқилган солиқ низолари бўйича Кенгашнинг хулосаси, у тасдиқланган пайтдан бошлаб бир иш куни мобайнида солиқ низоси тарафларига юборилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

23. Мазкур Регламент талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

24. Мазкур Регламент Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

**Савдо-саноат
палатаси раиси**

А. ИКРАМОВ

2019 йил 21 февраль

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчи-
лар ва давлат солиқ хизмати органлари
ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал
қилиш кенгаши томонидан солиқ низоларини
кўриб чиқиш регламентига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ҳузуридаги
Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ
хизмати органлари ўртасидаги солиқ
низоларини судгача ҳал қилиш
кенгаши раисига

_____ (Ф.И.О.)
_____ дан
(аризачининг Ф.И.О. тўлиқ кўрсатилади)

**Солиқ низоларини кўриб чиқиш учун
АРИЗА**

Сиздан _____
(Ф.И.О. (жисмоний шахс бўлса), юридик шахс ёки яқка тартибдаги тадбиркор номи)
ва _____
(солиқ органи номи)
ўртасидаги _____
(низо масаласи кўрсатилади)

масалани кўриб чиқишга қабул қилишингизни сўрайман.

Мазкур солиқ низоси қўзғатилган жиноят ишлари доирасида ўтказилаёт-
ган солиқ текширувлари бўйича эмаслигини ва ушбу низо бўйича судга
шикоят қилинмаганлигини тасдиқлайман.

Илова: ____ varaқда, жумладан:

1. Солиқ низосининг тафсилотлари ____ varaқда;
2. _____ varaқда;
(илова номи)
3. _____ varaқда;
(илова номи)
4. _____ varaқда;
(илова номи)

5. Ариза солиқ агенти ёки солиқ тўловчи вакили томонидан тақдим
этилганда уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ____ varaқда.

6. Аризачи хоҳишига кўра, унинг масаласига алоқадор бошқа ҳужжатлар нусхалари _____ варақда.

(Ф.И.О.)

(имзо)

(сана)

Аризачининг почта манзили (тўлиқ): _____

Аризачининг электрон манзили ва телефон рақами: _____

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

303 Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш
тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг
22-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2019 йил
12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2155-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва 2019 йил 15 январдаги ЎРҚ-516-сон «Иқтисодий жиноятларга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш механизмлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2010 йил 23 октябрдаги 34/8-сон қарори (рўйхат рақами 2155, 2010 йил 19 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 йил, 47-сон, 438-модда) билан тасдиқланган Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандига «ва терроризмни молиялаштиришга» деган сўзлар «, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 12 апрелда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2019 йил 16 март,
5/12-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2019 йил 6 апрелдан 12 апрелгача
бўлган маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 13 мартдаги 212-сон «Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг олий ҳарбий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2658-2.

2. Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг 2019 йил 13 мартдаги 213-сон «Хизмат мажбуриятларини бажараётганда ҳарбий хизматчилар (ҳарбий хизматга мажбурлар) ҳалок бўлган ёки тан жароҳати олган ҳолда бир йўла тўланадиган нафақани тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2144-1.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/22-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг жисмоний шахсларга мўлжалланган облигацияларининг чиқарилиши ва муомаласи тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1141-4.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/5-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахслар томонидан чет эл валютасида касса операцияларини юритиш тартибига ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 611-5.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/9-сон «Микрокредит ташкилотларида бухгалтерия ҳисобини юритиш тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1728-3.

6. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 18 мартдаги 40-сон «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (2-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича ҳисобот ва солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг ҳулосасини тузиш ва мижозга (ишонч билдирувчига) тақдим этиш тартиби»га ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2375-2.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 45, 2019-21-сон «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1908-6.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 43, 2019-15-сон «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2759-2.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 12-2019-қ/қ, 5, 3-мб-сон «Ташкил этиладиган иш ўринларини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2473-1.

10. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 13-2019-қ/қ, 2-мб-сон «Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2474-1.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 25 мартдаги 42, 2019-27,

341-В-3-сон «Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўланишини ҳамда ташкилотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2836-3.

12. Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирининг 2019 йил 28 мартдаги 4-мх-сон «Спорт турлари бўйича ягона спорт таснифи тўғрисидаги низомнинг 42-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2921-2.

13. Ўзбекистон республикаси адлия вазирининг 2019 йил 8 апрелдаги 170-мх-сон «Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни давлат реестридан чиқариш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 8 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1390-3.

14. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2019 йил 25 февралдаги 18-сон «Ўзбекистон Республикаси бюджет ҳисобининг стандарти (11-сонли БХС) «Қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар»ни тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3149.

15. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 15 мартдаги 2019-19-сон «Қимматли қоғозлар бозорида андеррайтинг фаолияти тўғрисидаги низомнинг 1.3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 860-4.

16. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 15 мартдаги 2019-23-сон «Қимматли қоғозлар бозорида манипуляцияни олдини олиш қоидаларининг 1.4-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 820-4.

17. Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги директорининг 2019 йил 15 мартдаги 2019-20-сон «Қимматли қоғозлар бозорини бошқариш бўйича ваколатли давлат органининг қимматли қоғозлар Марказий депозитарийси билан ўзаро ҳаракатлари тартибининг 1.3-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2019 йил 9 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 848-4.

18. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 21 февралдаги 16, 2019-09-сон «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши томонидан солиқ низоларини кўриб чиқиш регламентини тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3150.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2019 йил 16 мартдаги 5/12-сон «Банк ҳисобварақларига масофадан хизмат кўрсатиш тизимларида ишлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг 22-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2155-4.

20. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Молия вазирлигининг 2019 йил 18 мартдаги 12, 24, 41-сон «Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 31 майдаги 188-сон қарори билан тасдиқланган Ядро полигонларида ва бошқа радиация-ядро объектларида хизматни ўтаган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари рўйхатига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2019 йил 12 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3151.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Цементга ва клинкерга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1908, 2009 йил 24 февраль), шунингдек унга ўзгартириш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1908-1, 2010 йил 25 март), (рўйхат рақами 1908-2, 2010 йил 20 июль), (рўйхат рақами 1908-3, 2014 йил 6 март), (рўйхат рақами 1908-4, 2016 йил 28 июль), (рўйхат рақами 1908-5, 2018 йил 9 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 8 апрелдаги 164-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг «Мобиль алоқа хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар (уяли алоқа компаниялари) томонидан рентабеллик даражасига қараб юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи ставкасини қўллаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 2759, 2016 йил 3 февраль), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 2759-1, 2018 йил 7 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 8 апрелдаги 165-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг «Ташкил этиладиган иш ўринларини ҳисобга олиш ва мониторингини юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2473, 2013 йил 27 июнь).

Адлия вазирининг 2019 йил 8 апрелдаги 166-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Давлат статистика қўмитасининг «Янгидан ташкил этилган иш ўринлари бўйича тезкор маълумотлар ва давлат статистика ҳисоботларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ҳаққонийлигини танлов асосида ўрганиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2474, 2013 йил 27 июнь).

Адлия вазирининг 2019 йил 8 апрелдаги 167-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг «Айрим турдаги акцизли товарларни ишлаб чиқариш ва сотишнинг ҳисоби тизими тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1390, 2004 йил 26 июль), шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимча (рўйхат рақами 1390-1, 2012 йил 20 март), (рўйхат рақами 1390-2, 2014 йил 6 март).

Адлия вазирининг 2019 йил 8 апрелдаги 170-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

